30897

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

22 август, № 34 (3509)

Воқеа арафасида

ҲУРРИЯТНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

Бугун Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушади.

- *Қизилқум, бағрингни оч*
- *Ўзбекнинг ўз нефти*
- *Энди у хорижга ҳам экспорт қилинади*

Бухоро чўлларида, Апшерон ва Ҳаястонда, Эрон ва Хитойда, Ява оролида ер бағридан отилиб ётган олов фавворалари одамлар қадим-қадимдан яхши билишган. Унга муқаддас олов сифатида сиғинишган. Аслида бу «илоҳий неъмат» ер юзасига табиий ҳолда чиқиб ётган ёнувчан қорамой — нефт эди. Юртдошларимиз қадим-қадимдан бу муъжизани яхши билишган. Кейинроқ бориб улар чиққан жойларда муъжаз қудуқлар қазилиб, ундан олинган қорамой махсус идишларда узоқларга ташилган. Турмушда ишлатилган. XII асрда яшаган хоразмлик машҳур жуғроф Муҳаммад ибн Нажиб Бекронийнинг гувоҳлик беришича, Туркистоннинг чўл ва саҳроларидан олинган ана шу қорамой Ҳиндистон ва Арабистон, Эрон ва Юнонистон, Ўрта Шарқ ва Жанубий Оврупонинг бозорларида айниқса машҳур бўлган. Буюк Ипак йўли орқали Ғарбу Шарқни кезган қадимий карвонлар, маърифат ва тижорат аҳиллари, донишманд савдогарлар дунёнинг энг машҳур бозорларини шу антиқа ёнувчан модда билан таъминлаб, жаҳонни қойил қолдиришган.

Инсоният қорамойнинг чинакам муъжизавий олов эканлигини кашф этиши учун эса яна кўп асрлар керак бўлди. Фан ва техникада янги кашфиётлар яратилиши билан бундай ёнувчан моддалар империалистларнинг ҳам кўзини уйната бошлаган. XIX аср бошларидаёқ инглиз ва рус мутахассислари Бухорога келиб, конларни узлаштириш имкониятлари ва истиқболларини қидирдилар. Бу хусусда амалдорлар билан музокаралар олиб бордилар.

Тарихдан яхши маълумки, амир Насруллохон бошда бу ишга розилик берган бўлса-да, империалистларнинг мақсад ва муддаоларидан яхши хабардор бўлгач, Бухоронинг ер ости бойликлари жиддий ўрганилишига рўйхушлик билан қарамаган. Бунинг устига ўша пайтдаги кучсиз техника ва саҳро шароитининг мураккабликлари ҳам қидирув ишларини дурустроқ олиб бориш имконини бермаган. Туркистон Россия томонидан истило қилингач, ўлканинг ер ости ва ер усти бойликларини узлаштиришга қаттиқ киришилди. Мустақиллигимизгача бўлган 130 йилдан ортиқроқ давр мобайнида бу бойликларнинг жуда катта қисми ўмарилди ва талон-тарож қилинди. Бироқ ҳурриятимиз бахтига Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ сингари йирик нефт конлари она халқимизнинг ўз эҳтиёжларига яраш учун қутлуғ кунларни кутиб ётган экан. Мана бугун мустақиллигимиз шарофати билан Кўкдумалоқдан унчалик узоқ бўлмаган Қизилқум саҳроси бағрида — Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қад кўтариб турибди. Янги корхона Узбекистон мустақиллигининг энг ажойиб тимсолларидан биридир. Унинг бунёд этилишида бутун мамлакат иштирок этди, десак муболаға бўлмайди.

Бир ҳафта бурун янги корхонада бўлиб, уни ишга тушириш юзасидан олиб борилаётган энг сўнгги тайёргарлик ишларини кўрар эканман, муҳташам корхонанинг турли ишлаб чиқариш иншоотларини бир-бири билан боғлаган ораста йўллардан ўтарканман Узбекистонимиз жуда қисқа вақт ичида хорижий ҳамкорлар иштирокида шундай улуғ бир иншоотни қуриб битказганидан фахр-ифтихор туяман.

Давоми 2-бетда

ИСТИҚЛОЛ МУШОҲАДАСИ

1. Мустақиллик инсон ва ижодкор сифатида сизга нима берди?

2. Шўро даврида ижодингизга тазйиқ сезганмисиз?

3. Янги замон, истиқлол туфайли қаддини тиклаган, кўкрагига шамол теккан халқимиз ҳаёти ҳақида нималар ёздингиз? Яна нималар ёзишни режалаштиргансиз?

4-бет

ҚЎШИҚ – МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Узбекистон қўшиқ байрамининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати икки кун давомида 70 дан ортиқ қўшиқлар ижросини тинглаб, байрам ғолибларини аниқладилар. Ғолиблар ва совриндорлар ижросидаги катта концерт «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтди.

БИРИНЧИ ЎРИН:

«Ватанимни куйлайман» қўшиғи. Норали Алланазаров ва фольклор-этнографик дастаси ижросида. Сурхондарё вилояти.

ИККИНЧИ ЎРИН:

1. **«Мардона-мардона»** қўшиғи. Пулат Мўмин шеъри, У. Ҳамдамов мусиқаси. Ички қўшинлар бошқармаси «Турон юлдузлари» дастаси ижросида.

2. **«Мустақиллик лолаларимиз»** қўшиғи. Нормурод Нарзуллаев шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси. Республика ўқувчилар саройи хор жамоаси ижросида.

3. **«Ўзбекистон»** қўшиғи. Жуманиёз Жабборов шеъри, Дилором Омонуллаева мусиқаси. Ижрочи: Кумуш Раззоқова.

УЧИНЧИ ЎРИН:

1. **«Яшна она-Ватаним»** қўшиғи, З. Низомиддинов шеъри, К. Сотволдиев мусиқаси. Ижрочи: Кенесбой Сержанов.

2. **«Нурли жаҳоним Ўзбекистоним»** қўшиғи. Жуманиёз Жабборов шеъри, Э. Қайтаров мусиқаси. Ижрочи: Эркин Қайтаров.

3. **«Ўзбекистон»** қўшиғи. Йўлдош Сулаймон шеъри, А. Асқаров мусиқаси. Ижрочи: Рустам Мамадалиев.

5-бет

ТАНИШИНГ: «СЎҒДИЁНА»

«Суғдиёна» деб номланган халқ чолғулари камер оркестри Тошкент давлат консерваторияси домлалари, профессор А. Левиев ва доцент Ф. Абдураҳимова ташаббуси билан 1991 йили ташкил топган. Ансамблнинг асосий мақсади тингловчиларни турли-туман ўзбек мусиқа чолғу асбоблари, уларнинг ижро имкониятлари бойлиги ҳамда ижрочиларнинг юксак профессионал маҳорати билан таништиришдан иборат.

Бу ансамбл тингловчиларни қадимий ва замонавий Шарқ мусиқаси ҳамда поэзияси оламига олиб киради. Ансамбл репертуарида чет эл ва ўзбек композиторларининг энг сара асарлари бор. Ҳозирги кунга келиб «Суғдиёна» ансамбли ижрочиларининг маҳоратига жаҳоннинг Австрия, Германия, Голландия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Малайзия, Миср, Покистон, Португалия, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлари санъат мухлислари баҳо бердилар. Шунингдек, оркестр Россия, Қозоғистон, Туркманистонга қилган гастролларида катта муваффақият қозонди. 1994-96 йилларда оркестр Алишер Навоий номидаги академик катта театрда фаолият кўрсатди.

Ҳозирги кунда ансамблга Феруза Абдураҳимова раҳбарлик қилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, бу ансамбл билан ишлаш Феруза опа учун «хобби» дейиш тўғрироқ бўлади. Чунки у кишининг асосий фаолияти 1974 йилдан буён Тошкент Давлат консерваторияси билан боғлиқ. Бу даргоҳда оркестр дирижёрлиги кафедраси мудири, профессор вазифасини бажарувчиси сифатида ёш мусиқа ихлосмандларига таълим-тарбия бериш билан шуғулланиб келмоқда.

«Суғдиёна» Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этади. Шу муносабат билан биз Ф. Абдураҳимовадан ансамбл билан ишлаш жараёни ҳамда фестивал дастури хусусида сўрадик.

— Аввало шуни айтишим керакки, — деди у киши, — ансамблимиз аъзоларининг ҳаммаси турли даражадаги кўрик-танловларнинг ғолибларидир. Моҳир созандаларнинг, албатта, ўз йўллари, хоҳиш-истаклари, бир сўз билан айтганда, алоҳида «инжиқликлари» бўлади. Шунинг учун ҳар бири бетакрор бўлган бундай созандаларни бир ансамблга бирлаштириш мушкуллик туғдириши мумкин. Чунки зўр ижрочи бўлиш бошқа, жамоа билан ишлаш бошқа. Енгил томони шундаки, уларнинг ҳаммаси маҳорат бобида бир-биридан қолишмайди. Айтилаётган фикрни бир ишораданоқ сезиб оладди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ишларимиз ёмон эмас. Орамизда фақат 6 та талаба бор. Қолганлари ўқув юртини битирган олий маълумотли мутахассислар. Ансамблимиз шу кунгача бир неча йирик тадбирларда иштирок этди. 1995 йил декабрида Франция, Германия ва Узбекистондан иборат уч мамлакат ижодий ёшларининг биринчи учрашувида қатнашди. Учрашув Германияда ўтди. 1996 йили эса «Суғдиёна» Испаниянинг Логронио шаҳрида ўтган XXX Халқаро мусиқа фестивалида қатнашиб, лауреат бўлди. Ҳамда юксак профессионал ижро даражасини билдирувчи халқаро сертификат олди. 1997 йилнинг май-июн ойларида эса ансамбл Франция, Германия ва Узбекистон мамлакатлари ёш ижодкорларининг учинчи учрашувида қатнашиб, Леон, Марсел, Париж шаҳарларида муваффақият билан концертлар намойиш қилди.

Энди Самарқандда ўтадиган фестивалга келадиган бўлсак, биз бу ерда иккита дастур намойиш этамиз. Биринчиси — Марказий Осиё давлатлари куйларидан, иккинчиси шарқ давлатлари куйларидан иборат бўлади. Шу билан бирга Миср, Италия, Германия, Франция, Покистон каби давлатларнинг элчихоналари билан биргаликда иш олиб бораямиз. Яъни, шу давлатларнинг мусиқаларини ижро этиш йўлида изланяпмиз. Мавриди келгани учун ансамблнинг бош ҳомийси «Оби энд вест холдинг» қўшма корхонаси ҳамда унинг бош директори Тоймурод Юнусметовга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Г. УМАРОВА.

«КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИ»ГА ҚАЧОН ҚАЙТАМИЗ?

Ҳурматли таҳририят! Биз телевидениеда намойиш этилган «Кўнгил кўчалари» видеофилмининг ҳар бир қисмини катта қизиқиш билан кўриб бораётган эдик. Филм намойиши тўхтаб қолди. Давомини қачон кўришимиз мумкинлигини билмоқчи эдик.

А. Турсунов, А. Холмирзаев
Сурхондарё

Бошқа кўплаб муштарийлар ҳам бизга шундай саволлар беришмоқда. «Кўнгил кўчалари» видеофилмининг сценарий муаллифи Машраб Бобоевга мурожаат қилган эдик, у киши қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Авало, мухлисларнинг видеофилмга эътибори бизни хурсанд қилди. Бунинг учун раҳмат. Саволга келсак, видеофилм қилиш осон иш эмаслигини мана шу «Кўнгил кўчалари»га киргандан кейингина билдим. Суратга олиш, монтаж деган ишлар бўларкан... Ҳалиям сценарий ёзиш машаққатини айтаётганим йўқ... Шунинг ўзидан ҳам филмнинг ҳар битта қўйини экранга олиб чиқиш учун қанча меҳнат, вақт зарур бўлишини ўзингиз билиб олаверинг.

Шуни таъкидлаш лозимки, видеофилм Узбекистон Телерадиокомпаниясининг ташаббуси ҳамда режиссёр Маҳкам Муҳамедовнинг фидойилиги туфайли вужудга келди. Унда жуда кўп кишининг меҳнати бор. Видеофилмга меҳнати сингган ҳамма одамни санашнинг иложи йўқ. Лекин мен икки кишининг номини тилга олмай ўтолмайман. Филмнинг томошабинларга маъқул бўлишида оператор Рафоил Камолов билан бастакор, хонанда Анвар Ғаниевнинг хизмати ниҳоятда катта. Рафоил Камолов — елкасида ўн икки килолик камера — ниҳоятда гўзал манзаралар-ни, актёрларнинг ҳолатини «тутиб» олган, Анвар Ғаниевнинг қўшиқлари эса, видеофилмга қанот бағишлаган.

Биз иш жараёнида Ғарб видеофилмларидан тажриба ўрганиш, уларга тақлид қилишдан қочиб, мутлақо мустақил равишда иш тутдик, телевизор оилавий кўрилишини ҳисобга олиб, видеофилмнинг ўзбекона, пардали бўлишига ҳаракат қилдик.

Саволнинг иккинчи қисмига келадиган бўлсак, «Кўнгил кўчалари»ни суратга олишда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Телерадиокомпания бизга ҳамма шароитини муҳайё қилиб берган.

Ҳозир иккинчи фасл устида қизғин иш кетяпти. Худо хоҳласа, яқин орада биринчи фаслни такрорлаб, кейин унга иккинчи фаслни улаб юборсак керак.

Биз яқинда Самарқанд вилоятига сафар қилдик. Видеофилмнинг айрим эпизодлари Имом ал Бухорий масжидида, Челак тумани қишлоқларида, Самарқанд шаҳрида суратга олинди. Биз қаерда бўлмайлик, ҳамма жойда хайрихоҳлик, ишимизга кўмаклашиш истагига дуч келдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Челак тумани ҳокими Шуҳрат Шакаровга, Имом ал Бухорий масжиди имоми Усмонхон ҳожи жанобларига, бу сафар ташаббускори ва жонкуяри Зиёдулла Нурматовга, шунингдек Самарқанддаги «Гўри Амир» мақбараси, Регистон, Шоҳизинда ансамбллари, Бибихоним масжиди, Улуғбек расадхонаси ҳамда «Интурис» меҳмонхонаси маъмурияти ва ходимларига бизга берган кўмаклари учун чуқур миннатдорлик билдиришни истардим.

Ҳикматиллоҳ ҚОДИРОВ ёзиб олди.

Янги томоша

«ҚЎҚОННИНГ ЎН ИККИНЧИ ДАРВОЗАСИ»

Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри ижодий жамоаси мустақиллигимизнинг 6 йиллиги арафасида ўз мухлисларини янги тарихий асар билан хушнуд этди. Ўтган йили театр саҳнасида Нурилла ҳожи Абдуллаевнинг «Муҳаббат қасри» пьесаси муваффақият билан намойиш этилган эди. Асар кейинчалик пойтахтимиздаги Ҳамза номдиаги Академик драма театри саҳнасида ҳам намойиш этилиб, театр ихлосмандларига манзур бўлди. Энди эса қўқонлик санъаткорлар Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳмудали Юнусов раҳбарлигида муаллифнинг янги — «Қўқоннинг ўн иккинчи дарвозаси» асарини саҳнага олиб чиқди.

Асар воқеалари қадим ва ҳамиша латиф Ҳўқанд тарихи, халқимизнинг эрк ва озодлик, тинчлик ва мустақиллик учун курашлари солномасидан ҳикоя қилади. Асосий ролларни Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадали Абдуқундузов, Узбекистон халқ артисти Рашидхон Содиқов, Хурсаной Умарова, артистлар Саҳобиддин Эргашев, Маҳмуд Юсупов, Оқибатхон Ғафурова, Азимжон Азизов, Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Мавлонжон Қурбонов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Янги асарнинг илк жамоатчилик кўриги муваффақиятли ўтди. Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан у бир неча кун давомида меҳнаткашларга бепул намойиш этилади.

Э. МУРОТОВ,
театр бош режиссёри



Истиқлол манзаралари

Мутолаа

МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Мамлакатимиз улкан бурилишлар даврини бошидан кечирмоқда. Бундай бурилишлар, мустақил ривожланиш ва ижтимоий янгиланиш жараёнлари ижтимоий барқарорлик ва тадрижий тараққиётни таъминлаш орқали амалга оширилмоқда. Натижада ўтган олти йил давомида олдимизга қўйилган пировард мақсад-вазифалар сари, замонавий, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган, одамларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлай оладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган чинакам демократик ва фуқаролик жамияти қуриш сари дадил қадам ташланди. Демократик жамият қуриш эса, жамият етуклигини таъминлаш билан бирга унинг ҳар бир аъзосидаги онг етуклигини муттасил ошира боришни, инсон маънавий дунёсини доимий равишда бойитишда давом этишни ҳам талаб қилади. Чунки бурилишлар даврида кишилардаги мустақил дунёқараш, юксак маданият, ҳалоллик, принципиаллик, масъуллик ҳар қачонгидан ҳам зурурий амолларга айланади. Бундай шароитда жамиятнинг кенг қатламлари орасида янги давр хусусиятларини идрок этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж улкан заруратга айланади. Уни қондириш эса, бурилишлар даврини бошлаб берган, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бошида турган, ҳозирги мураккаб ва муаммоли замон хусусиятларини ҳаммадан теран англаган ва англата оладиган улуғ сиймолар симмасига тушади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ана шундай заковатли сиймо ва улкан давлат арбоби сифатида ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби билан даврнинг долзарб вазифасини юксак даражада бажарди ҳамда жуда катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий-назарий ва илмий-амалий аҳамиятга молик улкан асар яратди.

Ушбу янги китоб мамлакатимиз, миллатимиз, жамиятимизнинг янгича тараққиёт йўлидаги, бутун инсоният ва демакки, ҳар бир фуқаро хавфсизлигини таъминлашдаги таҳдидлар моҳиятини очиб беришга ва уларни даф этиш йўлларини асослашга, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатларини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин олиш учун мавжуд бўлган тарихий имкониятларни илмий жиҳатдан ҳар томонлама кўрсатиб беришга йўналтирилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга, бугунги реалликнинг барча устивор жиҳатларига ҳам асосий диққат қаратилган асарни кенг қамровли, мустаҳкам асосли, дастурий характердаги тадқиқотга алантирган. Китоб бошида: «Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги — XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?» — деган ниҳоятда кўп маъноли, жавоб бериш ғоятда қийин, лекин жавоб топиш зарур бўлган саволлар қўйилади. Ислом Каримов улкан иқтисодчи олим, атоқли сиёсатчи арбоб сифатида ушбу саволлар жавобларини ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий жиҳатдан асослайди. Шунинг учун ҳам ушбу тадқиқот ўзининг ижодий характери ва йўналтирувчилик жиҳатлари, салмоқли назарий хулосалари билан бугунги илмимиз, хусусан, ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиёти учун илмий-методологик асосдир. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, кўп асрлар мукаддам пойдевори мутафаккир боболаримиз томонидан қурилган фанимиз, ақл-заковат салоҳиятимиз, маънавиятимиз биносининг бугунги назарий асосини, унинг истиқлол шароитидаги истиқбол йўналишларини Ислом Каримов асослаб берди.

Асарда асосланган йўналишлар ва янгича назарий қарашлар шу даражада салмоқлики, уларни бир мақолада, ҳатто фаннинг биргина соҳасига тегишли қисмини ҳам баён қилиш ёки шарҳлаш қийин. Шунинг учун ҳам биз маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, маданий меросни ўрганишга доир янгича қарашларнинг айрим нуқталаригагина диққатни қаратмоқчимиз.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда маънавиятнинг устивор йўналишлари белгиланаётганда, асосий иш миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, халқимизнинг асрий урф-одатлари, маросимлари ва байрамларини тиклашдан, яъни маънавиятнинг миллий-тарихий илдизларини ҳар томонлама ўрганиш ва уни бугунги маънавий тараққиётнинг таркибий қисмига айлантиришдан бошланди. Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, «Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди».

«Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди», — деб ёзган юртбошимиз маънавият, миллий маданият, умумбашарий қадриятлар масалаларини турли жиҳатлардан ёритди ва маънавиятнинг янгича яхлит илмий-назарий концепциясини асослаб берди. Бунга кўра, тарих, тарихий хотира, она тили, адабий-маданий мерос, халқ ижоди, тарихий тажриба ва анъаналар, урф-одатлар, маросимлар ва байрамлар, халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши, жамиятнинг диний-руҳий асослари, ер, сув ва умуман, цивилизация белгиларини асраб-авайлаш, жамоа бўлиб яшаш ва маҳалла бирлиги, оила, қариндошлик, қуда-андачилик ва қўни-қўшничилик одоби, касбий кўникмалар, мустақил давлатга, юртга садоқат, инсонларга ҳурмат ва ишонч, ҳур фикрлилик ва эркинликка интилиш ва бошқалар маънавиятнинг сарчашмаларидир. Бундай сарчашмаларнинг тикланиши ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятлари билан уйғун ривожланиши орқали бугунги маънавий тараққиётни белгилаши, шу билан бирга, унинг кундан-кун бойиб ва кўпайиб боришини ҳам таъминлаши зарур. Инсон маънавий дунёсини табиат ва жамият билан, бугунги иқтисодий ва экологик шароит билан яхлит бир бутунликда тасаввур қилиш маънавият масалаларини янгича ўрганишда муҳим назарий методологик асосдир. Бу концепция умумбашарий қадриятларга содиқлик асосида ўзбекона миллий туйғуни ўрганиш, халқимизнинг маънавий-маданий меросини сақлаш, кўпайтириш ва янада ривожлантириш йўлларини тадқиқ этиш, адабиёт ва санъатдаги ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳур фикрлилик ғояларини ҳар томонлама таҳлил этиб, уни бугунги инсон камолоти хизматига қўйиш каби вазифаларни ҳал этишда назарий калитдир. Маънавий ва моддий маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлиш, турли-туман маданиятларнинг бир-бирига таъсири ва уларнинг кесишган нуқталари ҳамда синтезлашуви, кўп элатли маданий бирлик, анъаналардаги маҳдудлик билан уларда мавжуд бўлган ривожланиш ва очиқликнинг янгича талқинлари, диний дунёқараш тафаккурнинг, дунёни билишнинг ягона усули бўла олмаслиги, умуминсоний жиҳатлар ва миллий ўзига хосликнинг мутаносиблиги, анъанавий қадриятларимизнинг ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғун ривожланиши, моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги ҳақидаги қарашлар ва бошқалар Ислом Каримов асослаб берган маънавият илмий-назарий концепциясининг турли қирраларидир.

Бу яхлит илмий-назарий концепциянинг характерли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда адабий-маданий «меросга фарқлаб ёндашиш», «умуминсоний қадриятларни бойитадиган ҳамда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб бера оладиган, ахлоқ жиҳатдан аҳамиятли анъаналарни, урф-одатларни, танлаб олиш зарур»лиги илмий жиҳатдан асосланган. Чиндан ҳам, бугун биз диний экстремизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи, эл-элатлар, халқлар ўртасида миллий адоват уруғини сочувчи ғоявий-бадиий жиҳатдан тубан адабий меросни, ўтмишдаги қолоқ турмуш тарзига қайтишни талаб қилувчи чақириқларни қабул қила олмаймиз.

Ғарбнинг бузуқчилик ва фаҳшни, шафқатсизлик ва зўравонликни қуйловчи сохта санъат намуналари бизнинг миллий ғуруримизга тўғри келмайди. Дабдабали, маза-матрасиз, турмуш икир-чикирлари баён қилинган тутуруқсиз бадиий асарлар ҳозирги адабий жараёнда бўлмаслиги керак. Афсуски, кейинги йилларда бозор иқтисодиёти муносабатлари айрим илмий-ижодий зиёлиларни, баъзи ноширларни шошириб қўйди. Анча-мунча бадиий саёз, олдиқочди нарсалар гўё «бозорбоп»лиги учун нашр этилиб кетди. Ўз ҳисобидан китоб чиқарадиган ёки ҳомий топадиган муаллифлар ҳам талайгина. Бундай «ишбилармон» муаллифлар, бир-бирлари билан мусобақалашгандай, бир йилда икки-уч та, ҳатто тўртталаб китоб чиқармоқдалар. Бунга ҳеч ким қарши эмас, албатта. Аммо чоп этилаётган китоблар бугунги маънавий юксаклик даражасида бўлиши шарт. Надоматлар бўлсинки, ҳозирги асарларнинг кўпчилиги кутубхоналарга, китобхонларга, ҳатто мутахассисларга ҳам етиб бормайди. Чунки буюртмачиси ҳам, тиражини олувчиси ҳам муаллифнинг ўзи бўлганлигидан улар жуда тор ҳудудлардагина, асосан, асар эгасининг ошна-оғайнилари орасида тарқатилмоқда. Китоб бозорини бундай ғоявий-бадиий саёз, полиграфик жиҳатдан сифатсиз асарлар тўлдириб бораётганлиги, олдинги йилларга нисбатан анча камайган бўлса-да, кишида нохуш кайфият уйғотади.

Юртбошимиз ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, «Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келган». Бас, шундай экан, бугунги олим ва ёзувчи, шоир ва рассом, бастакор ва қўшиқчи буни ҳисобга олиши, замонамизга мос, ғоявий-бадиий етук асарлар яратиши зарур. Чунки бадиий маданият ҳамма даврларда авлодларнинг жонли алоқаси ва ворислигини ўзида мужассамлаштириш билан бирга инсонга завқ-шавқ, қувонч бағишлаб келган, унинг кундалик амалий фаолиятида юксак ахлоқий идеалларни асос қилиб олишига кўмаклашган, ўз халқи, унинг тарихи ва бугунини баҳолашда, истиқбол умидини ҳис этишда ёрдам берган, бир сўз билан айтганда, инсоний комиллик ва камолот сари етаклаган. Шунинг учун ҳам «Биз, — деб ёзади юртбошимиз, — ҳамма вақт кенг аҳоли қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишига имкон бериб келган маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганиб олишимиз лозим... Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак».

Юртбошимизнинг барча асарлари сингари янги китоби ҳам ўзининг кенг қамров доираси, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий масалаларни, миллий, минтақавий ва халқаро муаммоларни таҳлил қилиш санъати, энг муҳими, ундаги назарий умумлашмалар ва хулосаларнинг келажакка қаратилганлиги билан ғоятда ибратлидир. У бизни фикрлашга, ўйлашга, сабоқ олишга ундайди, ўзининг ижодий характери билан илмий тафаккурни янада ривожлантиришга чорлайди.

Тўра МИРЗАЕВ,
профессор

ЯНГИЙЎЛДА «АДАБИЁТ ВА САНЪАТ» КУНЛАРИ

Адабиёт ва санъатга ошуфталик, гўзалликка шайдолик инсон табиатидаги эзгу хислатларнинг намоён бўлиши шакларидан бири саналади. Дунёни англаш, табиат мўъжизаларини ҳис этиш, инсонларни тушуниш, нафақат инсонларни, балки жониворларни дарахтлару ўсимликларида севиш йўли Адабиёт ва санъат устидан ўтади.

Шул сабаб барча шодиёналарда, гўзал маросимларда инсон кўнглидан кечаётган ҳаяжонларнинг, ўйин-кулгунинг гултожи — шеър ва мусиқадир, адабиёт ва санъатдир.

Утган ҳафта Янгийўл шаҳридаги «Алишер Навоий гулшани» номли маданият ва истироҳат боғида ана шундай анжуман бўлди. Бу анжуманнинг сабаби — Ватанимиз мустақиллигининг 6 йиллиги ҳамда Янгийўл шаҳрининг 60 йиллиги байрамлари арафасида меҳнаткашлар кўнглида кечаётган хурсандчиликларга, шоду-хуррамликларга тааллуқли.



Янгийўл шаҳри аҳолиси ўзларининг мана шундай яхши кунларидан бирини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ижодий жамоаси, таниқли шоирлар ва санъаткорлар билан биргаликда баҳам кўрдилар. Анжуманни Янгийўл шаҳри ҳокими Шуҳрат Қорабоев табрик сўзи билан очди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова, Муқимий номидаги мусиқали драма театри режиссёри Рустам Маъдиев, таниқли сўз устаси Ғофуржон Мирзабоев, «ЎзАС» санъат бўлими мудири Гулчеҳра Умарова, Янгийўл шаҳри маданият ва маънавият марказидаги ходимлари Зарифа Муҳитдинова, Мовлуда Бўронбоева ва бошқалар шаҳар меҳнаткашларига аталган дил сўзларини изҳор этдилар.

Таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев бошлаб берган Ватан ва истиқлол мушоирасини истеъдодли шоирлар Абдулла Турдиев, Мукаррама Муродова, Рустам Мусулмон, Қучқор Норқобил ва Хосият Рустамовалар давом эттиришди. Ўқилган шеърлар анжуман иштирокчиларига нажиб кайфият бағишлади.

Анжуман дастурини «Янгийўл тонги» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Рихсибоев бошқариб борди.

ҲУРРИЯТНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

Боши 1-бетда

Завод раҳбарлари, муҳандислар, мамлакатимиз Нефт ва газ саноати миллий корпорацияси мутахассисларининг қули қўлига тегмайди. Бухоро вилояти ҳокимлигининг саноат бўлими раҳбарлари (Исроил Ҳамроев), вилоятнинг шу ишга алоқадор раҳбарлари тайёргарлик ташвиши билан банд. Биз корхонага қадрдон ҳамкасбимиз, таниқли тележурналист, эндиликда Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Очилов ҳамроҳлигида бордик. Янги корхона раҳбарларининг вақти ниҳоятда тиғиз бўлишига қарамасдан завод директори Эгамберди Саидаҳмедов билан бир фурсат суҳбатлашишга ҳам муваффақ бўлдик. У асли фарғоналик, Фарғона нефт заводида технолог, сўнгра Фарғонадаги Ўзбекистон нефтни қайта ишлаш бирлашмасида бош технолог бўлиб ишлаган. Соҳада кўп йиллар тер тўкиб, обдон чиниққан тажрибали мутахассислардан бири. У янги корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида шундай ҳикоя қилди:

— Заводимиз Франциядаги «Технип» компаниясининг технологиялари асосида — энг замонавий ва такомиллашган ускуна ҳамда технологиялар билан қуроллантирилган ҳолда бунёд этилди. Технология қисми қурилишга доир ишларни мазкур компаниянинг мутахассислари назорати ва иштирокида Туркиянинг «Гама» компанияси мутахассислари амалга оширдилар. АҚШ ва Япония сармоядорлари ҳам бу улкан иншоотга ўз улушларини қўшдилар. Бунёдкорлик ишларида «Бухоро нефт завод қурилиш», «Узмонтаж махсус қурилиш» трестлари ҳам фаол иштирок этишди.

Эгамберди Саидаҳмедовнинг айтишича, корхонанинг бугун ишга туширилаётган биринчи навбати йилига 2,5 миллион тонна газ конденсатини қайта ишлаб, экологик жиҳатдан тоза бўлган нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Қашқадарё вилояти ҳудудидаги Қўқдумалоқ конларидан қувурлар орқали келаётган нефт ва газ конденсати бу корхонада бир неча босқичли мураккаб тозалаш ва қайта ишлаш жараёнларидан ўтгач, авиабензин, авиакеросин, жаҳон стандартларига жавоб берадиган дизел ёнилғиси, мазут, суюлтирилган газ ва бошқа бир неча хил ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига айланади. Бундай экологик жиҳатдан тоза нефт маҳсулотларига бизнинг юртимиздагина эмас, чет мамлакатларда ҳам эҳтиёж катта. Шу сабабли корхона фақат Ўзбекистоннинг ички эҳтиёжларини таъминлабгина қолмайди. Айни пайтда Бухоро нефти хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинади.

Хўш, янги корхонанинг мураккаб технология жараёнларини кимлар бошқаради? Албатта, Ўзбекистоннинг ўз мутахассислари. ҳозирнинг ўзида янги корхонада ишлашга илгари Фарғона ва Олтиариқдаги турдош корхоналарда ишлаб, бой тажриба орттирган муҳандис ва операторларнинг энг моҳирлари жалб этилган. Завод бош муҳандиси Рустам Абдукаримов ҳам Олтиариқдаги заводда қурилма бошлиғи бўлиб ишлаган. Яна шуни ҳам айтиш керакки, корхона қурилиши авж суръатларда бораётган кунларда бухоролик ва қашқадарёлик ёшларнинг катта бир гуруҳи Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш корхоналарида янги завод эҳтиёжлари учун зарур бўлган мутахассисликларни эгалладилар. Ўқидилар, иш ўргандилар, малака оширдилар. Янги заводни ўзбек миллий ишчилар синфининг мустақиллик йилларида шаклланган янги авлоди бошқаради.

Мақоламиз бошида янги корхонани бутун Ўзбекистон қурди, дедик. Бу бежиз эмас. Қоровулбозор туманида завод билан бир вақтнинг ўзида мўъжазгина нефтчилар шаҳарчаси ҳам барча зарурий иншоотлари билан тўкис ҳолда қад кўтарди. Ҳар бири икки қаватли, Бухороча миллий услубда нақшланган, ҳовлили қилиб қурилган коттеж типидаги уйларда заводни бошқарадиган муҳандис ва операторлар, турли мутахассислар истиқомат қилишади. Ушбу шаҳарчанинг маданий-маиший иншоотлари, турар-жойларини қисқа муддатда чиройли қилиб бунёд этишда бухоролик ва қашқадарёлик қурувчилар қўлни-қўлга бериб, зарбдорчасига меҳнат қилдилар.

Бугун ана шу шаҳарчада, замонавий иншоотлари кўкка бўй чўзган нефтни қайта ишлаш заводида катта тантана. Корхона иш бошлашига бағишланган тадбирларга узоқ-яқиндан кўпдан-кўп меҳмонлар, журналистлар таклиф этилган. Улар бугун озод Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўяётган яна бир алп одимига, «УзДЭУавто» сингари яна бир улкан корхонанинг ишга тушишига гувоҳ бўладилар.

Ватанимиз мустақиллигининг 6 йиллик байрами арафасида иш бошлаётган янги корхонанинг барча мутахассислари, муҳандислари, ишчи-хизматчиларини она юртимиз тарихидаги қутлуғ воқеа — янги корхонанинг туғилиши билан муборакбод этамиз.

Қадаминг қутлуғ, йўлинг ойдин бўлсин, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи.

Меҳнатинг, шижоатинг билан озод юртни безайвер, ўзбек ишчи синфининг янги авлоди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Истиқлол манзаралари

ИККИ ЮЗ ЙИЛЛИК СУЛОЛА ДАВОМЧИСИ

Бухоронинг 2500 йиллик тарихи санъатимиз фидойилари, турли сулолаларнинг давомчиларига бой. Уларнинг бугунги авлоди боболарнинг ўлмас санъатини турли соҳаларида ривожлантирмоқдалар.

Ана шундай жонкуярлардан бири отаси, бобою бобокалонларининг салкам 200 йиллик анъанасини давом эттириб келаётган санъаткор Насрулла Ҳамроевдир.

Насрулла ака 1941 йили Ғиждувон туманининг Булакиён қишлоғида таваллуд топган, маълумоти ўрта... 19 ёшида Ғиждувон тумани маданият уйига ишга келди. Бу ердагилар Ҳамроевнинг ўтмиши билан олдиндан танишлиги сабаб ҳеч иккиланмай «қўғирчоқ театри тузамиз», дейишди. Насрулла ака отаси Нарзулла бободан чодир ичида туриб қўғирчоқ ўйнатишни ўзлаштиргани сабаб, театр тузишга рози бўлди. Бир йил деганда дурустгина ҳаваскорлик қўғирчоқ театри ташкил топди. Энди чодир ичида эмас, саҳнада бир неча қўғирчоқни жонли овозлар билан ўйнатишга тўғри келди. Республика халқ ижодий уйи томонидан услубий ёрдам уюштирилди, ҳар бир саҳна асарига хос қўғирчоқлар тайёрланди. Уша йиллари республика халқ ижодий уйида услубчи бўлиб ишлаган Ҳабиба Акбарова Насрулла Ҳамроевга яқиндан ёрдам берди.

Республика туманлари орасида ягона шаклланган қўғирчоқ театри олимлар ва драматурглар диққатини жалб этди. Драматург Муҳсин Халилов Ғиждувонга келиб, жамоанинг «Качал полвон», «Ширмой нон», «Кичик табиб», «Тумов қўёнча» каби эртак-пиесаларини қўриб, маслаҳатлар берди. Жамоа 1962-70 йиллар мобайнида болаларга мос эртак-пиесалардан йигирмага яқинини саҳнага олиб чиқди. Вилоятдан ташқари Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё вилоятларининг кўпгина мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида асарларини намойиш этди.

Ниҳоят, республика Маданият ишлари вазирлигининг қарорига мувофиқ ҳаваскорлик жамоасига «қўғирчоқ халқ театри» унвони берилди. Шундан сўнг Насрулла Ҳамроев театрга кўпроқ ёшларни жалб эта бошлади. 1970-1993 йиллар орасида халқ театрида 100 дан ортиқ ўсмир ёшлар, катта ёшдаги ҳаваскорлар иштирок этишди. Улар иштирокида А. Отаметовнинг «Таваккал мактабга боради», Н. Рўзиметовнинг «Гулшан боғ», А. Зайниддиновнинг «Бир оқил, етти бахил», Т. Икромовнинг «Янги йил арчаси», Ғиёс Комилнинг «Лақма лайча», «Тулки билан бури» каби унлаб асарлари саҳнага олиб чиқилди.

Санъатшунос олим Муҳсин Қодиров «Халқ қўғирчоқ театри» номли рисоласида шундай ёзади: «Ғиждувонда янги халқ театрини йўлга қўйишда ташаббускор бўлган устазода қўғирчоқбоз Насрулла Ҳамроевнинг бир неча авлоди ўз умри ва истеъдодини қўғирчоқ ўйинига бахш этган. Насрулланинг бобокалони Жўра қайроқ (1796—1898)дан қўғирчоқбозлик ўғли Ҳамрога (1818—1920), Ҳамродан унинг ўғли Нарзуллага (1910—1962), ундан Насруллага ўтган...»

Дарҳақиқат, Насрулла Ҳамроев ўз жамоаси билан расмий давлат идорасида ишлаётган бўлса, унинг ота-боболари халқимизнинг туй-маъракаларида, сайилларда қўғирчоқ ўйнатиб, халқни хурсанд қилганлар.

— Бобокалоним Жўра қайроқ 1810-1812 йиллар, яъни 13-14 ёшларида (у киши 102 йил умр кўрган) халққа танилган раққос ва қўғирчоқбоз бўлган, — дейди Насрулла ака, — шундан ҳисобланса, бизнинг сулоламиз 180 йиллик тарихга эга.

Халқнинг олқиши, жажжи томошабиннинг беғубор табассуми Насрулла ака учун ҳар қандай мукофотдан азиз. Театрнинг доимий қатнашчилари Раҳмат Жўраев, Эркин Сапаров, Дилшода Эргашева, Фурқат Атоев, Ислом Ражабовлар режиссёр Насрулла Ҳамроевни самимийлиги, ўз касбига садоқати, том маънодаги фидойилиги учун ҳурмат қиладилар.

Бугунги кунда бу санъатсевар одам неваралари-га қўғирчоқбозликни ўргатиш иштиёқида юрибди. Демак, ҳали сулола анъанаси давом этади.

А. АБДУЛЛАЕВ

Тоҳир ШЕРМУРОД, филология фанлари номзоди

ШЕЪРИЯТДА ШИРКНИНГ ШАРПАСИ

Адабий ижод — имконият миқёслари беғоят кенг бир неъмат. Негаки, унинг воситаси — сўз, оддий эмас, бадиий сўз. Шу боис у турмуш, кўнгил ҳамда шуурнинг барча манзилларига чақирилган меҳмон мисол ташриф эта олади. Иқтидор соҳиби учун ҳар асар — янги ижодий сафар. Йўловчилик эса ҳамиша зўр тадорик ва масъулият ҳиссини тақозо этган. Ҳатто етук сўз санъаткори навбатдаги ижодий ишини қўлига илк бор қалам олган ҳаваскордек бошлайди. Истеъдод нечоғлик кучли ва закий бўлмасин, борлиқ ва илоҳиётни нечоғлик ҳисламасин, ўзи сезган-сезмаган ҳолда Яратганнинг мададига мудом муҳтож бўлади. Айни чоқда, асарнинг комиллиги, кемтиклиги, тўкислиги, ноқислиги — ҳаммаси муаллифнинг ўзига, ўзидаги ички омилларига бориб тақалади. Улкан санъаткорларда ифода адолатининг кучайиб борувчи, норасо ва бемантиқ ёзишдан асрашни, сўз борасида Яратувчидан қўрқув, мағфират сўрашлар бекорга эмас.

Шеърият мулкининг Навоийдек чинакам султони бежиз қайта-қайта назмий тавба-тазарру битмайди. «Тенгри эҳсони» — қаламнинг росту пок ёзмоқда берилганини чуқур идроклаган шоир «мадҳ услуби»ни беравнақ билади. Оқ қоғозга норост ёзишни оғир гуноҳ санаб, «ким худо қилғай онинг юзин қаро», дейди. Аллоҳга ўзининг тоғдек буюк дард-ҳасратини айтади: комил инсон бўла олмаганидан надомат чекиб, энди «тавбаи комил ҳидоят айлагил...», дебон ёлворади.

Ижодкор қавмига синов дунёсининг эзгу насимлари таъсири баробарида муайян мафкуранинг манфур қуюнлари тазйиқи бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунончи, даҳрийлик атайин авж олдирилган, турмушга куфрий амаллар бостириб келган ва кенгроқ тарқалган кезлари жасоратқор етакчи адабиёт ҳам мудҳиш вазиятда қолиши тайин: ким алданади, ким адашади, ким исён қилади, ким дардини пардалаб айтади, ким юзаки, ким астойдил муроса қилади...

Ширк бу Аллоҳ Таолога бирон бир нарсани ишларида, ибодатда, исму сифатларида шерик қилмоқликдир. Гуноҳлар ичида энг ёмон гуноҳ шу гуноҳи кабирадир. Баъзи уламо ширкни тим қоронғу уйдаги тим қоронғу тош устида кетаётган қоп-қора қумурсқага ўхшатади. Куфрий мустабидликда ҳаётнинг турли кўчаларига ширк ана шундай билинтирмай оралайди. Оралаган ширкнинг шарпаси воқеликдан илгарилаб юра олувчи куч-сўз санъатига-да, унинг унча-мунчага сир бермас соҳаси - чин шеъриятнинг муқаддас саҳнига-да тушади.

Ажабки, дунёи фонийда ширкнинг тусланиш шакллари кўп. Собиқ шўро тузуми ҳаётида унинг энг оммавий, мажбурий кўринишлари Инқилоб, Ленин, Сталин ва коммунизм деган хомхаёл бўлди. Гоҳ галма-гал, гоҳ биргаликда бу шарпалар бутун бошли умрларни, имконларни, ижодларни, салоҳиятни ўзига қарам қилиб олди. Маҳв этишлар қўрқитиб қўйди. Янги тузум гўё «Шайтанат тахтини ерга қилди жо». Элларнинг нафаси ичига тушди. Ширк шарпалари илм-фанни, ўқувни, матбуотни, романлар, достонларни, ўй-фикрни, орзу-армонларни тўхтовсиз ишғол этди. Зўравон тарзда гўзал адабий обидалардан ўзига жой-мавқе талаб қилди. «Лениннома», «инқилобнома», «сталиннома» ва бошқа номалар туғилди, «сталиннома»нинг умри калтароқ, қолган «шарпанома»ларники узунроқ кечди, салкам муборак Истиқлолгача келди. Илму танқид уларни қувватлашга маҳкум, имо-ишора билан бўлса-да, ҳақиқат соҳилини кўрсатиб қўйишдан ожиз эди.

«Мадҳ услуби» марказда ва чекка ўлкаларда энди парвозланаётган йилларда рост шеърият фиғонлари аллақачон кўкларда ўрлар эди. Унинг жаҳлу жаҳолатга, бидъату хурофотга, куфрону қулликларга, ғафлату кишанларга исёни беҳад эди. У халқнинг денгизлигини, тулкинлигини, исёнлигини, улуғвор кучлигини барча замонлардагидек ҳис этар, шунинг учун «қучоқ очиб халқ ичига» бормоққа даъват қиларди. Аммо теграсига боқиб «Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек» бўронларнинг ўйноқлашини, «оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзидек» сарғаймиш япроқларни, ўлка боши узра «қуюқ булут қўланкаси»ни кўрди. «Бузилган ўлкага» аччиқ ва маҳзун савол-дашномлар ёғдирди:

Нега сени бир қул каби қизғанмасдан янчалар?
Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга?
Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган хур ўлка,
Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар қўланка?

Қўланканинг зуғуми ҳаддидан ошиб борди. Сиқилган шеърият ўз «соз»ини гоҳ бир неча йил қантариб қўйди, гоҳ тил учида қўланкани хиёл куйлаган бўлди. «Бир неча йил қантарғач, Яна олдим созимни, Энди айтиб йиғламас Кўнгилдаги розимни» дея нолинди. Ғазабга келган қўланка миллатнинг, маънавиятнинг бир қучоқ гулини янчиб қўя қолди. Дил розини айтишга ашаддий ҳақсизлик, эрксизлик, журъатсизлик, хунобалик бошланди. Чин сўз айтарлар, шартакилар, дарди ичидагилиги сезилганлар бир-бир тавба қилдирилди. Энди шарпалар шеърият бўстонида бемалол сайр қилишди. Бусиз ҳам омма уларга суянчиқ, нурамас қоялар, бебаҳо зотлар деб қарай бошлаган эди. «Кўп эскидир олам ва унда Кўп буюклар ўтгандир, бироқ, Бироқ Ленин тарих сўнгида Буюклардан чиқди буюкроқ», деб ўйларди улкан мамлакатнинг улкан шоири. «Минг йилларни қийнаган жумбоқ Унинг ақли билан» топилгандек, «Чирик, қонхўр тузумнинг Эшиклари» у боис тақ-тақ ёпилгандек туюлди. Шеър («1924 йилнинг 22 январида Самарқанд. Самарқандда ўлмаган-ку ул?») ваҳшатли ширкнинг энг катта шарпасига бевосита бағишлангани учун тавсифга таъсирли кулминация топилиши, кулминация ҳам имкон қадар даҳриёна ифодаланиши лозим бўлди. Шундай қилиб, мавзу баланд мартабага кўтарилиб, мафкуранинг даҳрийликка доир бош муддаоси ҳам бир йўла қондирилди:

Агар худо бўлган тақдирда
Айтганига қулоқ солурди.
Орқасидан судралиб ерда,
Ҳар кун минг-минг сабақ олурди.

«Фиръавн»нинг вафоти тараққиёт йўлидаги хатоларнинг, муаммоларнинг тушунилишига туртки бўлолмас эди ҳали. Чунки унинг лойиқ «йўлдош»лари айни сиёсатни оғишмай давомлатиш қасдида эдилар. Энди «Инсонликка бўлиб бир қуёш» Сталин шеърият гулзорини пайҳон қиларди. «Башар қуёшига» мақтовлар бетиним ёғилди (Бу дамларда Катта шарпа бироз нафас ростлаб турган туюлади).

Иккинчи шарпа ҳам шеъриятнинг ҳар гўшасига бесўроқ бош суқди. «Басовлат», «муртида ним кулги» қиёфада ажойиб шеърнинг тўрига ўтириб олди. («Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак»). Беғубор «Вақт»нинг ҳукмронлигини ўз қўлига олмоқчи бўлди: «Ҳар лаҳза — Сталин умридек узун» қойилмақом бадиий тафаккур жилвалари аро «Тирик Сталиннинг нафасдошимиз» дейишга мажбур эди донишманд шоир. Қайси мавзуга қўл урмасин, рўпарасидан шарпа чиқади унинг. Баъзан қочолмай қолади шарпадан. Каттакон мамлакатнинг бир четида хокисор кун кўраётган қадимдан иймонли, етимпарвар миллатнинг юксак болажонлик фазилатига ҳам шарпа зўраки тарзда шерикликка келади:

Домовой книга
Бош саҳифаси
Сталин номила бошланур бизда.
Оила бошлиғи -
Ота Сталин
Бахтли манглайингга
Бўса қўндирмиш.

Не офатким, шоир ўша йиллари орзуларини ҳам унинг иштирокисиз айтишга ботина олмас эди:

Ғолиб келажакни сайр қилайлик,
Мўйсафид Сталин билан иккимиз.
(«Соғиниш»)

Аллоҳнинг вақти ва маконида камтарин шоир замонларга замондош келаётган ҳолда, шарпа Аллоҳ буюрган шеър йўлининг қийинчиликларига дош беролмади. Шоир эса ҳамон эл хизматига баҳоли қудрат камарбаста, истиқлол авлодларининг оғирини енгил қилишга сафарбар:

Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин?!

Шахсга сиғиниш қилар ишини қилиб бўлгач, Аллоҳнинг иродаси билан қораланди. Ширк шарпаси энди ўша «халқларнинг отаси», «халоскори» қиёфасида туслана олмай қолди, мартабаси бирмунча пасайди. Отдан тушса-да, эгардан тушмас такаббур сингари ўзга шаклларда узоқ изғиди. Илинжи катта доҳийда, у асос солган партия ва коммунизмда қолди. Шарпа бадиий тарғиби одатдагидек кўпроқ шеърият зиммасига тушди. Шунга қарамай, нисбатан енгилроқ, юмшоқроқ вазият пайдо бўлди.

Алҳамдуллилаҳ, Тангри ўзбекни истеъдоддан сиқмаган, камитиб қўймаган. Миллий шеъриятни сиёсат тахтидан кўнгил оламига дадил туширадиган авлодлар билан бойитди. Шу йиллар «шарпа шеърияти»да эҳтироссиз ва эҳтиросли асарлар талайгина.

Бу — ўпкаланиш, исломий ёхуд адабий насиҳат эмас, мушоҳададир. Кечмишни тушунмоқ, хатолардан тийилмоқ, истиғфор айламоқ — йўлимиздир. Тазйиқкор собиқ тузум «дарсини», «Айтсам тилим куяр, айтмасам — дилим» ҳолатидаги эрксизлик азобини унутмаган адабиёт Истиқлол қадрига муносиб куйламоқни ҳам билади. Чўлпонни, Ҳамид Олимжонни, Ғафур Ғуломни, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф ва Рауф Парфиларни, уларнинг ранго-ранг, беназир адабий фазилатларини ҳайрат билан қадрлайман. Замондошлигим, нафасдошлигимдан қувонаман.

Қолаверса, ҳали асл бўй-басти, дилбар салоҳияти элга тўғри танитилиши зарур бўлган, Ҳамзамиз айтмоқчи, «бугунги қадрлик кунлар» шундай талқинларга имкон берди. Муддао эса ҳеч бир ўзбекда гина, шахсий шон-шуҳрат, хатоси бордан қочиш бўлмаслиги зарур. Негаки, Ватан деб, миллий ғурур деб, маънавияти юксак наслар деб ёниб меҳнат қилмоқ кунлари келган. Яна Ҳамзамиз айтмоқчи: «Бу кун иззат-ҳурмат, даража ва мартаба талаб этув куни эмасдур, англаш куни! Бу кун ҳар бир миллатин тонувчи, суювчи зотга белини устидан боғлаб югуриб хизмат қиладурган кун...»

Шеърият ва замон

Аксар асарларнинг енгил-елпилиги муаллифнинг идеаллаштирилган доҳийга муҳаббати юзакилиги билан эмас, иқтидор даражалари билан изоҳланади. Шунингдек, ғоявий-бадиий жозибадорлари ихлос-ишончнинг ўта зўрлигидан бўлмай, поэтик маҳоратларнинг баландлиги туфайлидир. Баркамол бир шеърнинг лирик қаҳрамони «Поёни йўқ тарихнинг кечмишини» мароқли умумлаштиради, замонлар қаршисида лол қолган ёш идроки ила дунё ишларини кузатади:

Унда биров қуради, биров бузар бемалол,
Баъзан ёмон от қолур яхши одамдан ҳатто,
Қай бир ёвуз кимсани яхши дерлар эрта кун.
Наҳот, дейман, дунёда собит нарса йўқ асло,
Наҳотки, етукликнинг тимсоли йўқ бус-бутун?..
Ҳа, садақа кам эрур мангулик халтасида,
Пайҳон бўлур саройлар, қанча юксак қабрлар.
Гоҳ оддий тасодифнинг оддий бир ҳамласида,
Капалак қанотидай учиб кетар қасрлар.

Лирик қаҳрамон «мангуликнинг ойнаи жамолида» «севгидай абадий ва суюклик» қоладиган, «инсон беминнат... тавоб» қиладиган, сажда этиб дилини ёрадиган, ҳақиқат ахтарганда ёд айлайдиган энг буюк зотни излайди. Ва... файласуфона идрокнинг бебаҳо мавжи, бетакрор қизиқарли топишмоқли ифодаси аср бошларидаёқ «замин дарғаси» янглиғ ўта юксак сифатларда улуғланган номга келиб таққа тўхтайди. Бу мазмун, бу ғоя, бу тўхтам, бу маҳорат айтилмаган гапи қолмаган мавзудаги тамоман янги ҳодиса эди. Эҳтимол, мавзунинг Маяковскийдек сардори ҳам ҳайратдан ёқа ушлаган бўларди.

Адабий мунаққидлардан бири демишки, кўплаб ўртамиёна ижодкорлар ўн йиллаб қилолмаган ишларни кучли истеъдодлар бир зумда рўёбга чиқаради. Бугина эмас, зўр талантлар мавзуларнинг фавқулодда қирраларини, гапларини топадилар — «мажбурий», «буюртма» асарларда ҳам. Башарти талаб, тазйиқ, мажбурият, ишонч-ихлос қанчалигидан қатъи назар. Истиқлолга қадар келиб тақалган ленинномада ҳам янгилик айтишга интилиш кам бўлган эмас. Олтмишинчи йиллар ёш шеърияти жумладан яна нималар дейди: «Ҳаддан зиёд гўзал сўздир — Ленин», «Ленинга топширайлик Йигирманчи ва ундан кейинги чексиз-чексиз асрларни...», «Яна минг йил, Яна минг аср Инсоният қилғувчи қадр», «Илҳом берган ёш Ильичга Муҳаббатим зўр холос»...

Ҳар қандайин идеаллаштиришга қарши фикрлар ҳар лаҳзада янграб турадиган собиқ мафкура «янги» даврида танҳо доҳийнинг идеал образи янгича поэтик талқинлар қанотида кўкларга кўтарилди; бу улуғлаш «унинг асли ўзи шунақа эди» дея хаспўшланди: «энг буюк одам» — «Ильич юр деди» — юрилди, «Ильич қур деди» — қурилди, «Ильич нур деди» — нур бўлди. Бу пайтда ҳам шарпа ўз табиатига хос муҳим жиҳат бидъат билан қоришиқ яшади: «Кўзимизга ишонмасак — Сўзимизга ишонмасак — Ленинга ишонгаймиз», «Муқаддас ул кошона, Остонаси мўътабар, Пок этсин руҳан, Қалбан Лениннинг руҳи бизни», «Лениннинг қошига бўзлаб бораман... Бунда у кўзларни тингламоқ керак, Покланмоғи керак ҳар қандай юрак»...

Ёркин истеъдодлар ҳали даҳрийлиги, атеистлиги кескин муҳитда мангулик тимсоли ва ҳукмдорини излар эканлар, кўп ҳолларда тавба, илтижо, дард нидоларини она-Халқ, Она-Ватан она Шеърият, она Табиат каби бешак муқаддас тушунчаларга қаратиш билан фарқланди. Бу эса улар шеъриятини келажак сари элта борадиган фазилатлардан бири бўлди:

Оллоҳни тан олмаган
Коммунистик башарият
Таниб олди илоҳий деб сени, Шеърият.
Ёки:
... Эй мени оламга келтирган қисмат,
Жонлар волидаси — эй олий момо,
Чархмисан — фалакми ёки табиат,
Шукронам айтурман сенга аввало.

Кейинроқ жуда қийинчилик билан «мангу» образнинг идеаллигига шубҳа уйғона бошлади. Унинг Шарпалиги хусусида ҳолбуки ўз давридаёқ айтилган, лекин тарих пучмоқларида яширилган гаплар бош кўтаради. Унга бошқачароқ нигоҳда муносабат билдириш барибир осон кечмади. Чунончи, динга муносабат борасида Шарпанинг «Горкийни сиқувга олиши, унга дашномлар бериши воқеасида фақат Ленин ёқланиб келинган бўлса, 80-йиллар шоири Горкий томонидаги ҳақиқатни бир чимдим илғаган бўлади:

Устоз, сен бир инсон умри муқаддам
Хато қилган эдинг, излаб худованд.
Не тонг, даҳоларнинг хатолари ҳам
Майда рост йўллардан юз карра баланд.

Ишондим, дунёга келган кунидан
Башар изламабди бесабаб илоҳ.
Мен бугун қўрқмасман дин афъюнидан,
Худоси йўқлардан қўрқаман бироқ.

...Имон денг, виждон денг, майли отини, —
Лекин одамзотнинг «худо»си бўлсин.

Албатта, мазкур авлод вакиллари бу «абадий» мавзуга устозларичалик берилмади, бу ҳақда оз ёзишди. Бир неча донадан шеър, «Чароғбон»га бағишланган бир-икки достон шоирларимизнинг ўзбек адабиётидаги бақувват мавқеларига соя сола олмайди. Мустақилликка интилув кучайган йиллари ва истиқлол кунларида шундай масалаларга шеърий муносабатнинг теранлашувида ҳам уларнинг илғор, ибратли ҳиссалари бўлаётир. Инсоннинг хилма-хил улуғвор, мураккаб, зиддиятли фалсафий моҳиятини бетакрор арузий мисраларда куйлаган гўзал шеърнинг мана бу парчасини эслайлик:

Сен ҳилол,
юлдуз, салиб,
Таврот,
Забурдин
юксалиб,
Боймисан ёки
ғариб
Комрон ўзинг,
яксон ўзинг.

Ҳилол, юлдуз, салиб поэтик рамзлари, қадимдаги муқаддас китоблар номлари башарият тарихнинг митти муъжаз тавсифини, ҳилол — комиллик ақидасига етмоқ саодатини ғоялантиришга қаратилган, «Ҳилол»дан кейинги вергулнинг мисра маънисини белгилашдаги ролини мушоҳада қилинг. Тиниш белги «сен»дан сўнг қўйилса, бошқачароқ мазмун чиқар эди. Хиёл фикрлашга чорлаши, сўнг «фикр»нинг топилиши, «топилдиқ» фикрнинг умуминсонийлиги шубҳасиз ўқувчини шеърият кучига ишонтиради. Зуғуми бор йилларда устози: «Бу йўлларда раҳнамо бўла олмади На забур, на таврот, на инжил, «Қуръон» деб ёзган бўлса, эндиги ҳилол мадҳи бошланаётган Мустақиллик насимининг шогирд-шоирга хуш илҳоми эди, эҳтимол.

Бироқ умумий назар ташланганда, шеъриятимиз шундай улуғвор Мустақиллик шароитида тўла куч билан муносиб ижод қилмаётгандек туюлади. Хусусан, Ватан, Истиқлол, Истиқбол, Мустақиллик, бу бетимсол неъматлар қадри, шукронаси, масъулияти, тараннуми борасида дилтортар намуналар йўқдек. Президентимизнинг адиблар билан учрашувларда бу ҳақда куюниб гапирганлари бежиз эмас. Шеърият бобида яна бир муаммо — енгил-елпи асарлар кўпайиши, уларнинг куйланиши. Уларда санъатдан йироқлик, фикрий маҳдудлик, услубий ғализлик, майда гапларга ўралашиш, ҳатто бидъат, беҳаёликлар ҳам кўзга ташланади. Уларда ҳам билиниб-билинмай номақбул «шарпалар» кезиб юрибди. Улар ҳақиқий ўзбек шеърияти ҳақидаги тасаввурни бузмоғи мумкин.

Биз юқорида баҳоли қудрат собиқ шўролар даври шеъриятимизда юз берган нохуш ҳолатни — ширкнинг шарпаси ҳақидаги кузатувларимизни баён этдик. Мана, Истиқлол қуёши шоирларимиз боши узра соя солган мафкуравий таъқиб ва тазйиқларни тумандай тарқатиб юборди. Энди қалбга туғён солган эҳтиросларни, нурли ҳис-ҳаяжонларни, эътиқоду имонни бемалол эътироф этиш имкони туғилди. Бироқ ижодкорларда ана шундай шароитда ҳам бир қадар, назаримда, журъатсизлик кўзга ташланаётгандай. Хўш, бу журъатсизликнинг боиси нимада, лоқайдликнинг сабаби қаёқда? Сўз эркинлигига эришилган бир замонда баралла куйламасак, кўнгилдаги эҳтирому тазарруларни, севинчу аламларни ошкора айтмасак, қачон айтамиз?

Эндиликда шеъриятимиз билиб-билмай қаламга олинган «шарпалар»ни сиғдира олмайди, чунки асл ўзбек поэзияси ҳар қандай мафкуравий сиқувларда холи. Мана шундай шароит шеъриятимизнинг эртанги куни порлоқ ва юксак бўлишига умид уйғотади.

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

Ҳурматли бош муҳаррир!

Юртимиз мустақиллиги шарофати билан олис ва яқин тарихимизнинг кўплаб ўқилмаган саҳифалари ўрганилди, оммалаштирилди.

Шу аснода Андижонда яшаган ва фаолият юритган бобомиз Миркомилбойга тааллуқли тарихий маълумотлар юзага чиқди, матбуот саҳифаларида эълон қилинди.

Бир неча йил бурун севимли ҳафтаномамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да ёзувчи Хуршид Дўстмуҳамедовнинг «Миркомилбойнинг қазо бўлган намози» ҳикояси босилгач, бобомизнинг ҳаёт йўли ва шахсидан ҳикоя қилувчи турли жанрдаги бадиий асарлар яратишга жазм этувчилар ҳам кўпайиб қолди. Шахсан биз бундан мамнунмиз. Бироқ тарихимизнинг энг оғир даврида мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган ва пировардида бесуд ва бесўроқ отиб юборилган бобомиз шахсига мансуб маълумотларни топиш ва ўрганиш анча қийин ишки, шошма — шошарлик у кишининг бадиий сиймосини гавдалантиришда сохталикка, юзакичиликка ҳам олиб келиши мумкин. Пухта ва атрофлича ўрганилмай ёзилган асар нафақат тарихий, айни чоқда бадиий нуқтаи назардан ҳам номукаммал бўлишини ўз меҳнатини қадрловчи ҳар бир қаламкаш яхши билади деб ўйлаймиз.

Ушбу илтимосимизни газета ва журнал муҳаррирлари, нашриётлар раҳбарлари самимий қабул қиладилар деган умиддамиз.

Эҳтиром билан Миркомилбойнинг набираси

Мирмансурхожи МИРКОМИЛОВ

КЎНГИЛ ЖИЛОЛАРИ

«Икки оламнинг асоси Сўздир, — дейди улуғ шайх Фаридиддин Аттор. — Чунки Сўз Ҳақдин мужда бўлиб келди. Ахир, Арши аълода битилган «Лавҳ ул-Маҳфуз» ҳам Сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга қайтади». Дарҳақиқат, Сўз — улуғ неъмат. Агарда у бадиий шаклда бўлса, шеърга айланса янада улуғворлик, янада қудрат касб этади. Зеро, шеърнинг инсон руҳиятига бўлган таъсир кучи ғоятда улуғ. Шу боис ҳам мутафаккир аждодларимиз инсоннинг маънавий камолоти учун муҳим ҳисобланган асарларини асосан шеър шаклида ёзиб қолдирганлар.

Ўз ижодида Сўзнинг қудратини бутун моҳияти билан ифодалай олган шоирларимиздан бири — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатдир. Қарийб бир асрдан зиёдроқ муддат ўтган бўлса-да, Фурқат шеърияти мухлислар эътиборини қозониб келмоқда. Ўтган давр мобайнида шоир лирикаси ҳақида бир қанча салмоқли тадқиқотлар яратилди. Бу борадаги илмий изланишлар муттасил давом этиб келмоқда.

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти академик Азизхон Қаюмовнинг «Шеърият жилолари» деб номланган рисоласини босиб чиқарди. Китоб Фурқат лирикаси тадқиқига бағишланган. Ушбу тадқиқот катта ҳаётий ва илмий тажрибага эга бўлган устоз олимнинг кўп йиллик изланишлари ва кузатувлари натижасидир. Рисолада шоир ғазаллари, унинг Навоий, Фузулий, Машраб каби шеърият дарғалари анъаналарини муносиб давом эттирганлиги аниқ далиллар асосида, мисрама-мисра таҳлил қилинган. Фурқат лирикаси шоир дунёқарашининг, қалб кечинмаларининг тажассуми эканлиги шеърий иқтибослар асосида чуқур тадқиқ этилган.

Шеъриятга ошно қалб нозиктаъб бўлади. Шу боис бу қалб соҳиби чархни «кажрафтор», дунёни номукаммал деб билади. Фурқатнинг «Оҳким, йўқдур манинг табъимга лойиқ улфатим» деб бошланувчи ғазали ҳам худди шундай кечинма ҳосиласидир. Мазкур ғазални таҳлил қилар экан, рисола муаллифи уни «изтироб ва ғуссаларнинг шеърий изҳори», деб атайди.

Фурқатнинг «Оҳким, ҳамдард йўқ дард ошкор айлай десам» матлаъли ғазали ҳам худди шундай кўнгил изтироблари билан йўғрилган. Ғазалнинг ҳар бир мисрасига юкланган мазмун-моҳиятни таҳлил этар экан, олим «бу шеърда мусофирлик, ғарибликнинг оғир юки остида эзилган кишининг дарду ҳасратлари ифода этилган»лигини алоҳида таъкидлайди. Зеро, ғазалда шоирнинг изтироби ғоят таъсирли ифодаланган:

Ваҳшатим элдин букум,
ваҳшидин ўлғайман малул,
Ваҳшилардек ғар маконим
кўҳсор айлай десам.

Рисола муаллифи шоирнинг «Кўнгил дардиға тоғмай бораман ҳаргиз даво истаб», «Жаҳонни кездиму офоқни сарбасар кўрдим», «Фироқинг бирла, эй золим, неча бағримни қон қилдинг» каби ғазалларини таҳлил қилар экан, уларда шоир «лирик қаҳрамоннинг изтиробли кечинмалари орқали ўз замонаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган катта ижтимоий хулосаларни баён этган»лигини, ҳар бир мисра замирига замонлар ўтса-да ўзгармайдиган абадий ҳақиқатларни сингдира олганлигини таъкидлайди.

Фурқат — файласуф шоир. Унинг шеъриятида инсоннинг, дунёнинг моҳиятини англаш ва англатишга бўлган интилишни кузатиш мумкин. Шоирнинг:

Рафиқо, не эди мақсад
жаҳона келмагингдинким,
Кетарди на аён моҳиятингни, на ниҳон қилдинг, —

Китобингизни ўқидим

байтини таҳлил этар экан, олим ёзади: «Яшамоқдан мурод не? Дунёга келмоқ ва кетмоқгина эмас-ку, ахир! Қанчадан-қанча одамлар бу муаммони еча олмай ўтиб кетдилар. Улар ҳаёт ҳақиқатини на аён эта олдилар, на беркита олдилар. Бундай кишилар ҳаётининг мазмуни мақсадсизликдир. Буюк интилишлар, эзгу мақсадларга хизмат қилиш нияти бўлмаган ҳаёт ҳаётми? Бу байтдаги туб ғоя ана шундан иборат. Тирикликнинг ҳосили шуки, ҳаёт бир куни бориб бузилиб, йўқ бўлади. Ажал торожидан холи бирор хонумон йўқ. Ақлли одам бу ҳақиқатни яхши билади. Модомики шундай экан, киши ўз умри давомида эзгуликка хизмат қилиб улгурмоғи шарт».

Дунё — фоний, умр — ўткинчи. Инсон ҳаётининг ибтидоси бўлганидек, интиҳоси-да мавжуд. У бошлангани каби, бир кун албатта поёнига ҳам етади. Инсон бу дунёга ўз ихтиёри билан келмаганидек, уни ўзи хоҳламаган ҳолда тарк этади. Хўш, шундай экан, у ўзига берилган шу қисқа фурсатни, унга Парвардигор томонидан туҳфа қилинган имкониятни нимага бағишламоғи лозим? У нима қилса ўз зиммасига юклатилган масъулиятни адо этган бўлади? Инсоният яралибдики, шу ва шу каби саволлар ҳар бир тафаккур соҳибини ўйлантириб келган. Бу саволларга ҳар бир фикр эгаси ўзича жавоб излаган, ўзича жавоб берган.

Фурқат ҳам бир шеърида «Умр қарори йўқ, чунон барқи гузар ўтар-кетар», деб ёзади ва шеърнинг мақтаъи шундай фалсафий фикрлар билан якунланади:

Қолмагуси жаҳон аро ҳеч
бир киши, Фурқат, яна,
Сочса агарчи назмидин дурру
гуҳар, ўтар-кетар.

Устоз Азизхон Қаюмов ушбу шеър таҳлилида шундай фалсафий хулоса чиқарадилар: «Эзгулик абадий. Инсон ҳаётининг моҳияти эзгуликка садоқат билан хизмат қилмоқликда. Эзгу мақсад ва интилишлардан ҳеч қачон чекинмаслик керак. Бошқа ҳамма нарса ўткинчи».

Олим Фурқат шеърларини таҳлил қилар экан, шоирнинг юксак бадиий маҳорат соҳиби бўлганлигини қайд этиш баробарида, ушбу маҳорат сирларининг тадқиқига алоҳида эътибор беради. Шоир ғазалларини Навоий, Фузулий, Машраб каби устозларнинг шоҳбайтлари билан муқояса қилади. Таъкидлаш жоизки, таҳлилнинг бундай усули шоир ғазалларининг асл мазмун-моҳиятини очишга кўмаклашган.

Айниқса, Фурқатнинг «Фидо айлай итингга, келса, жони нотавонимни» деб бошланувчи ғазалининг таҳлили диққатга сазовордир. Рисола муаллифи ушбу ғазалдаги —

Саги овора янглиғ бормоғим
қайда билолмасман,
Қачон бўлғайки, топқаймен
йўқотган карвонимни —

байтини таҳлил этар экан, Маъмуржон Узоқов айтган «Фиғонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин» деб бошланувчи машҳур қўшиқ ва унинг муаллифи тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтиради. Маълумки, ушбу қўшиқ матни шу пайтга қадар Фурқатга нисбат берилади. Моҳларойим — Нодиранинг айни мисра билан бошланувчи ғазали бор. Хўш, мазкур қўшиқ матнининг муаллифи ким? Устоз олим бу тўғрида эътиборга молик фикрларни билдиради ва «бу сингари чалкашликлар ўтмиш меросини ўрганишга ғоят диққат билан ёндашувни, бу ишда озгина бўлса-да, эркинликка йўл қўймасликни тақозо қилиши»ни алоҳида таъкидлайди.

Бундан ташқари, Фурқат мухаммаслари ва мусаддасларининг дақиқбинлик ва нуктадонлик билан амалга оширилган таҳлили классик адабиётимиз, хусусан, Фурқат шеърияти ихлосмандлари учун қизиқарли маълумотларни беради.

Фурқат лирикаси катта илмий тадқиқотларга мавзу бера оладиган даражада бой ва сержозиба. Академик Азизхон Қаюмовнинг «Шеърият жилолари» рисоласини ушбу улкан ва масъулиятли ишнинг дебочаси, деб аташ мумкин. Зеро, шеърият ҳар кўнгилда ўзгача жилоланади. Устоз олимнинг ушбу асари Фурқат ижодиёти бўйича яратилажак юксак илмий тадқиқотлар сари қўйилган катта қадам сифатида эътиборга лойиқдир.

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,
филология фанлари номзоди

Доимий ҳамроҳ

Рустам МУСУЛМОН
ХИРГОЙИ
Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

Кейинги йилларда адабиётимизга кириб келаётган ёш ижодкорларнинг бир фазилатини алоҳида таъкидлаш жоиз: улар, албатта иқтидорлилари, умумий хорга жўр бўлишни ўзларига эп кўришмайди, ҳар бир сатрда, ҳар бир шеърда ўзига хос оҳангни топишга, янги қофиялар кашф этишга, бадииятнинг ўзлари топтаб очишаётган мустақил сўқмоқларидан юришга интилишади. Халқона оҳангларни шеърий машқларида замонавий мавзуларга уйғунлаштириш борасида яхши изланишлар олиб бораётган ёш истеъдодли шоир Рустам Мусулмон шундай навқирон авлоднинг вакили.

Яқинда «Ёзувчи» нашриётидан Рустамнинг «Хиргойи» деб номланган шеърий мажмуаси чоп этилди. Унга жамланган шеърлар мавзуига кўра хилма-хил, бироқ уларда шоирнинг сўзни, товушнинг турланишларини нозик ҳис этишини, бу турланишларда эҳтиросли қалб манзараларини таъсирчан кўрсата олиш иқтидорини кузатишингиз мумкин.

Мана, бунга бир мисол:

Бул кеча...
Чечаклар, гуллар чоппоринг,
Оғоч отларини қамчилайдилар.

Бул кеча...
Чўккалаб қолар тулпоринг,
Чопорлар қошимда ҳансирайдилар —
Иффоринг келаяпти...

Тўпламдаги «Чумилиш», «Уллалла», «Умр тасвири», «Иқрор», «Гул базми», «Хиргойи» каби шеърлар ҳам ёш шоирнинг бадиият сирларини эгаллаш бобида жозиб изланишларни амалга ошираётганига мисол бўла олади.

«Хиргойи»га Рустам Мусулмоннинг машҳур озарбойжон шоири Ҳидоят Худуш ўғли ижодидан қилинган таржималари ҳам киритилган. «Ҳар толеънинг бир йўли бор» деб номланган бу туркум мутаржимнинг таржима бобида ҳам қалами чархланиб келаётганидан далолат беради. Ушбу сатрлар бунга бир мисол:

Ёмон ичиктирди бу йилнинг ёзи,
Кимга орқа қилиб қишлайсан, энди?
Нега қувонади баҳорнинг нози?
Яланғоч бутоқлар — титради, тўнди...

Ҳар бир шеър мухлиси кўнглига таниш туйғуларни қайта уйғотишга мойил бундай сатрлар ёш шоирнинг янги тўпламида талай. «Хиргойи» китоби уч минг нусхада нашр этилган, унга Ф. Камолова муҳаррирлик қилган. Мусаввир Ю. Габзалилов.

Очил ТОҲИР
СОҒИНЧ СОҲИЛИ
Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

Саратон офтобининг дами қайтиб, оқшом еллари эсаётган чоғида тепалик ёки қирга чиқиб уфқни кузатганмисиз? Шафақланиб бораётган қонталаш уфқда қандайдир ҳорғин сукунат, исмсиз мунг юрагингизни жизиллатиб сизни олис хотираларга етаклайди.

Муборaклик истеъдодли шоир Очил Тоҳирнинг шеърларини ўқиганингизда кўнглингизга мана шу соғинч туйғулари илинади. Унинг Ватанни севиш ҳақидаги шеърларидан эса шуурингизда ғурур туясиз.

Яқинда «Ёзувчи» нашриётидан шоирнинг навбатдаги «Соғинч соҳили» шеърлар тўплами нашр этилди. Тўпламга сўзбоши ёзган шоир Икром Отамурод Очил Тоҳир шеърларини таърифлаб шундай дейди: «Тўпори самимият, тўпори ҳарорат, тўпори кенглик. Булар сизга эриш туюлмайди. Аксинча, қачонлардир кўнглунгизда бўлган, эндиликда унутилиб бораётган хислатларни эслатади. Уларни соғинганингизни сезасиз.

Очил Тоҳирнинг шеърлари шуниси билан қадрли».

Хусусан, шоир «Аччиқ хотира» шеърида шундай ёзади:

Ширин хотиралар... бу қандайин бахт,
Хотира азоби бунга йўқ даво.
Сен на тириксан-у, на ўлик, карахт,
Фақат юрагингда оғриқли ғавғо.

«Соғинч соҳили» мажмуаси 3000 нусхада чоп этилган. Муҳаррир А. Қутбиддинов

ДУНЁ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Омон Мухтор

1. Мен инсон сифатида нимагаки эришган бўлсам, ижодкор сифатида ҳам шунга эришдим. Мени халқнинг ўз эътиқоди, удумларига қайтгани, руҳдаги қуллик, мутелик чекинаётгани суюнтиради. Илк Қарашда янги бир табақаланиш рўй бераётгандек туюлади-ку, олдинги даҳшатли табақаларга бўлиниш озгина фурсатда йўқолгани жуда катта воқеа!

Тасаввур қилинг. Биров отаси художўй эканлигини айтолмаса, табиб эканлигини айтолмаса. Ҳатто, биров мен камбағалман ёки мен бойман, деёлмаса... Фақат тафаккур кенгайгани эмас, бу — инсонпарварлик юксалиб, қарор топаётгани белгиси!

Мустақиллик бошланганидаёқ менга ақлга сигдириш қийин бўлган шараф насиб этди. Қуръони Каримнинг ўзбекча мазмун таржимасига муҳаррирлик қилдим. Кўп марталаб, ҳижжалаб ўқидим. Эй биз осий бандалар эканмиз, деган хаёлга бордим. Бундан ташқари, олдин эълон қилинмаган кўплаб диний, тарихий, бадиий китоблар билан танишдим. Аввалдан менда озмоз тайёргарлик бўлса ҳамки, ўзимни энди анча «бақувват» сеза бошладим.

Оламдан ярим-ёрти хабардор ижодкорнинг асар ёзишга тутиниши қоронги кўчада тентирашга ўхшайди. Инсон биринчи навбатда ўзини, ўзига буюрган катта бир қуламли ҳаётни англаши, оёғи остидаги ЕРНИ яхшироқ кўриши керак... Мен тўла маъсулият билан айтаман: ёзувчи учун ҳозирги кунчалик асар ёзиш имконияти ҳеч қачон бўлмаган! Сен тўкин яшашинг, китобларинг ҳар куни чиқиши мумкин; лекин қўлоёғинг боғлиқ, кўзларингга парда тутилган намойишда ижол қилишдан фожиали нима бор ёзувчи учун!

Мен кейинги беш-олти йилда ўйлаганларимни — қандай ўйлаган бўлсам, шундай! — эркин қоғозга туширдим. Ўтган даврларда бу асарлардан бирортасини бостириш эмас, ёзишнинг ҳам иложи йўқ эди. Тўғриси, мен ҳозир босилаётган кўпчилик романларимни бошлаб қўйиб, имкон берилмаслигини ҳис этганимдан, чала қолдираверганман! Оддий бир гапларни ўйлаш, айтишдан қўрқув туйғуси кундан-кун биздан узоқлашаётгани — ёзувчилар билан баробар ўқувчининг ҳам буюк ғалабаси!

2. Мен шуро даврида ижодимга тазйиқни сезганман, десам ёлғон бўлади. Ёзувчи — ўйлайдиган инсон. Нималардандир мен кўнглимда озор туйган пайтлар бор. Аммо оқсоқоллардан тортиб, барча адиблар ўзлари «дастёр» деб билган замон эди. Биз шу даврада тарбия топганмиз! Мен ўтган ёки ёши улуғ адибларга, сен кечаги кунни қуйлагансан, деб тош отишларга қаршиман. Ижодкор имкон даражасида асар яратади! Шахсан ўзимга келсак... мен камсуқумроқ одам бўлганимдан, бақир-чақирдан кўра муҳаббат ҳақида дейсизми, оддий одамлар ҳаётими?! — жўнроқ иш тутганим маъқул, деб ўйлаганман.



Албатта, менинг олдингги ёзганларимда ҳам даврнинг муҳри босилган ўринлар учрайди. Ўмуман, хатоларим, камчиликларим бир дунё! Ижодкор изланади. мен буни табиий ҳол деб ўйлайман... Хўп?! Масалан, Алишер Навоийнинг «Муножот» сингари асарларини ўқимасдан, Ҳазратнинг диний-фалсафий қарашларини ўрганмасдан, бобокалонимиз тўғрисида мукаммал фикр юритиш мумкинмиди?! Адибларга, тарихдан ана шу бир булаккина жойга кўз ташласанг, бўлди, ҳадеб орқага ўгирилаверма, фалон шахс тўғрисида ҳам ана шу бир қисмгина билганинг етади, бошқасининг сенга даҳли йўқ, шунга қараб ёзавур! — қабилида талаб қўйилган.

Кечаги куннинг манзараси шундай! Бунинг устига, ҳали айтиб ўтганим — халқнинг ва албатта, ёзувчининг ҳам суяксуягига сингдирилган ҚУРҚУВ туйғуси... Ўқувчилар баъзан ёзувчига осон тутишади. Ҳолбуки, ёзувчи — ҳақиқатни айтишга ҳам маъсул, давр билан ҳисоблашишга ҳам! У — четда ётган бир тўнка эмас, одамлар ичида юрган одам... Тазйиқ, дейсизми, булакми?! — жавоб шу...

3. Худога шукр, истиқлол келганидан бўён мен олдингига нисбатан анча дўруст ишладим. Газета-журналларда бир неча турқум шеърларим босилди. Буларнинг бари озми-кўпми ҳозирги кунни ва бу куннинг руҳини акс эттиради. Мен бахтли ижодкор ва бахтли инсонман. Турмушдаги ҳар хил қийинчиликлар, мураккабликларга қарамасдан, «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Улмаган жон», «Аёллар мамлакати ва салтанати» деб номланган китобларим шу йиллар орасида нашр этилди. Бу китобларга кирган романлардан ташқари, яна романлар ҳам ёздим.

Асарларим қаҳрамонлари гарчи муайян давр кишиси бўлишмаса-да, уларда Абадият ва Башарият ҳақида сўз борганидан, улар бу кунги ҳаётни очиқ-ошкор акс эттирмаса-да... мен асарларимни янги, халқнинг руҳият оламидаги ўзгаришларга бағишланган, деб биламан... Бугун мамлакатимиз дунё билан юзма-юз турибди! Бизнинг асарларимиз ҳам, улардаги қаҳрамонлар ҳам энди дунё миқёсидаги майдонга Дадил йўл олиши керак! Давр шуни тақозо қиляпти... Яқинда «Афлотун» деган янги роман ёзиб тугатдим. Бу асар Бухоронинг 2500 йиллигига, яна халқимизнинг ажойиб фарзанди Фитратнинг ҳаёти, фаолиятига бағишланган. Лекин муҳими, мен бу асарда халқимизнинг мустақилликка етиб келиш йўлини ҳам ёритишга уриндим. Бугунги кун билан олис тарихларнинг боғланиш нуқталарини қидиргандек бўлдим...

Режалар, дейсизми?! Режа кўп. Бошлаб қўйган асарлар ҳам... Мавриди келса, айтаман. Ҳозиргидек ёзиш имконияти бор экан, Худо хоҳлаб, илҳом, куч берса, ёзаверамиз-да...

САЛОМИЙ

БУНДАН ЎЗГА ЗАМОННИ ЗАМОН ДЕМАСМАН



Тоғ бошида тонг отар танҳо
турмасман,
Қарамликни элимга раво кўрмасман,
Келди замон ҳур замон, замона
аҳли,
Бундан ўзга замонни замон
демасман.

Истиқлолга бир назар солингиз
албат,
Қўнди-ей халқимнинг бошига
Давлат,
Она юртим мустақил бўлди
саломат,
Бундан ўзга замонни замон демасман.

Ўнг ёнимда қирғизим — ёруғ юлдузим,
Сўл ёнимда қозоғим — томир
илдизим,
Туркман, тожик, ўзбегим,
қорақалпоғим,
Бундан ўзга замонни замон демасман.

Тушларимга парилар такрор кирсалар,
Ҳар ёнимдан қўл ташлаб ҳазил
қилсалар,
Азиз бошимни хам қилиб бошим
кессалар,
Бундан ўзга замонни замон
демасман.

Танамдаги бу жоним танда бор
экан,
Кимга хору ким зор, кимга кор экан,
Вафо ила садоқат манда бор экан,
Бундан ўзга замонни замон
демасман.

Шону-шарафлар бўлсин сенга
истиқлол,
Эй Саломий, қувончинг ғазал-
шеърга сол,
Элинг тинчдур, ўзинг тинч —
мангу истиқбол,
Бундан ўзга замонни замон
демасман!

Рустам МУСУЛМОН

ҚЎНГЛИМДАГИ ЮК ЭРУР БУЮК

ДАРВЕШ

Деди: «Гар кашкулингда
Динор йўқдир, қаландар,
Қувонурсан, кулурсан —
Қўнглинг тўқдир, қаландар?!»

Дедимки: «Бехабарсен,
Кашкулимга, жонона,
Ул ики кўз — қўш динор
Ташлаб ўтди пинҳона».

Дедиким: «Гар бошингда
Паноҳ йўқдир, қаландар,
Қувонурсан, кулурсан —
Қўнглинг тўқдир, қаландар?!»

Дедим: «Шукр, менинг ҳам
Паноҳим бор, жонона —
Муҳаббат бор бошимда,
Илоҳим бор, жонона».

Деди: «Қайга кетурсан?»
Дедим: «Ёрга етурман».

* * *

«Бозорга ўхшайди асли бу дунё»

Абдулла ОРИФ

Бозор ичи.
Битта тиғиз йўл.
Бир оғир юк босар елкамдан.
Имиллайди олдимда биров,
Турткилайди биров орқамдан.

Бу ён раста, у ён ҳам раста,
Харидорлар ўртада гаранг.
Елкамни юк эзар, олдимда
Бир қари чол одимлар аранг.

— Пўшт-пўшт, ота,
Юк босди, ота,
Пўшт-пўшт, менга йўл беринг,
Сизда
Ўзингиздан бўлак юк йўқдир.

— Пўшт-пўшт, болам,
Сабр қил, болам,
Агар билсанг ёруғ дунёда
Ўзингдан ҳам оғир юк йўқдир,
Одамзотдан оғир юк йўқдир.

— Пўшт-пўшт, одам!
Пўшт, одам!
Пўшт-пўшт!!!

Ичим ёнар — ичим қабарар,
Қанотимга эрк бергим келар.
Игна,
Танга эмас,
Бозорда
Ерга тушса одам йўқолар.

— Пўшт-пўшт, одам!
Пўшт, одам!
Пўшт-пўшт!!!

Тирикчилик ғамида бунда
Ҳамма пулдор,
Ҳамма савдогар.
Савдогарнинг пули кўпаймас
Алдамаса бировни агар.

Бунда ишонч,
Бунда садоқат
Қўлдан қўлга ўтади пулдай.
Бойваччалар «лой»га ботади
Ботқоқдаги нилуфаргулдай.

Пул-ку қўлнинг кири, дафъатан
Ювилганда тушиб кетади.
Қаттиққўлнинг кири бир умр
Ювилмайин қотиб ётади.

Қўлим тоза,
Қўлларим очиқ.
Сарф қилишга бозорхаржим йўқ.
Елкамдаги юкми?
Эҳ-ҳ, бу юк —
Қўнглимдаги юк эрур буюк...

Борган сари қадамим секин,
Юк тобора тоғдай ўсади.
Бозор. Раста. Гавжум оломон...
Йўл устида мени тўсади.

Ҳар кун шундай ўтиб-қайтаман,
Терлаб-пишиб,
Жонгинам ҳалак.
Ҳайҳот, менга
Йўл йўқдир бошқа
Шул бозорнинг ичидан бўлак?!

Бозор ичи.
Биттагина йўл.
Бир оғир юк босар елкамдан.
Имиллайди олдимда биров,
Турткилайди биров орқамдан.

* * *

Дил, энди эмассан озода,
Борурсан париваш қошига.
Тинимсиз бўсалар тиларсан
Лабидан, кўзидан, қошидан.

Не десанг қилурман журъат-ла
Хаёлда амрингга бўйсуниб.
Ўйлайман: париваш ўптирмас,
Ортимга қайтаман ўксиниб...

Париваш шаштимдан қайтармас,
Гардани синади шайтоннинг
Дил, ташлаб кетасан барибир
Қизғалдоқ эзилган майдонни.

Дил, энди эмассан озода...

* * *

Ой тўлди, Ой тўлди...
Ой тўлди, Ой тўлди...

Жулдур вужудимни ечиб ташлашди
Осмон ўрдасининг остонасида,
Руҳимни малаклар элта бошлашди
Маликаларининг хосхонасига:
«Келинг, аллаёр-аллаёр,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр,
Олинг, аллаёр-аллаёр...»

Юлдузлар уюшиб чалди ноғора,
Кундузлар куюшиб ёнди тобора.
На қизил, на сариқ, на оқ, на қора —
Ҳамма куй-қўшиғда битта нақорат:
«Ой нечага, нечага-ё, Ёр-аллаёр,
Булбул қўнар химчага-ё, Ёр-аллаёр.
Бегим, сизга бағишладик ўзимизни
Шугина бир кечага-ё, Ёр-аллаёр.
Келинг, аллаёр-аллаёр,
Бўлинг, аллаёр-аллаёр,
Олинг, аллаёр-аллаёр...»

Ой тўлди, Ой тўлди...

КИТОБИЙ

Аё дўстлар, хаёл бахри уза сузган Китобийман,
Ўтар дунё, кечар дундан тамом безган Китобийман.

Бу ён Қашқа, бу ён Оқсув аро Орол каби мен ҳам
Қуриб Жайҳун ва Сайҳундан кўнгил узган Китобийман.

Гаҳи Лайли, гаҳи Ширин гўзаллар ишқи кўйида
Гаҳи Мажнун, гаҳи Фарҳод каби кезган Китобийман.

Китобларда битилган ишқ ҳаётда йўқ экан илло,
Ҳақиқатни китоблардан ўқиб сезган Китобийман.

Басе Рустам, кўнгил ёра, ёр-ай, ёра, ёр-ай ёра,
Китобдаги ўшал ёра китоб тузган Китобийман.

• Таниқли адибимиз Мирмуҳсин яқинда «Фалакнинг гардиши» номли янги романини ёзиб битирди. Асар мустақиллигимиз йўлидаги кураш — озодликка эришиш йўлидаги асрий жанглар тасвирига, ёшларнинг чин муҳаббати тантанаси, жумҳуриятимиз камолига бағишланган.

МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Фалакнинг гардиши

Минг тўққиз юз саксонинчи йиллар. Кузак... Тошкентнинг машҳур театри залида республика миқёсида йиғин кетарди. Тўрт, беш соатлаб доклад қилиш одат тусига кирган, наинки Тошкент, бошқа республикаларда ҳам худди шундай эди — хўроз ҳамма ерда бир хил қичқирарди... Катта маъруза орасида икки бор танаффус эълон қилиниб, қорин тўйдириб олингач, йиғин иштирокчилари яна рақамлар, цитаталар тўла ўта зерикарли маърузанинг давомини эшитишга мажбур эдилар. Маъруза ёзишга уста бўлиб кетган, она тилини билмайдиган кичик ва ўрта мансабдорларнинг тайёрлаганларини аранг ўқиб берадиган раҳбарнинг тутилишларига унча парво қилишмасди, чидам билан уни тугашини кутишарди. Йиғин тугагач, эртасига делегатлар бозор қилишиб, яна ўз вилоятларига жўнашарди...

Шундай йиғинларнинг бирида академик Ҳабиб Ниёзийга ҳам сўз беришга берилди-ю, лекин баъзилар тилини тишлаб қолди. Унинг «Ҳамма даврларда ҳам ҳукмдорлар ўзларига садоқатли, айни вақтда оз-моз нодонроқ кимсаларни атрофларига тўплаб, яхши мансаблар берардилар...» деган ибораси кейинчалик баъзиларни оборибобкелди... Яна қора босиб, академикнинг уйига телефон қоқиб, сўзга тайёрланинг, дейишгани уни ҳайратга солди. Лекин рози бўлди.

Президиумда биринчи котиб ва унинг ўнг ёнида ўтирган «катта оғамиз»нинг ҳар бир имоси, ҳар бир ҳаракати, қош-қовоғи масалаларни ё ундоқ, ё бундоқ ҳал этарди. Залда ўтирганларнинг диққати ҳам раислик қилувчида эмас, унинг ёнидаги қудратли ва доно кимсада эди.

Театр зали лиқ тўлган. Баъзи кечикканлар жой қидириб, девор, ложа ичи, четларда тик туришарди.

Раислик қилувчи кимгадир сўз бериб, «тайёрлансин академик Ҳабиб Ниёзий» деганда залда қандайдир бир чайқалиш аломатлари сезилди. Кучаниб гапираётган кимсага эътибор бермай, кейинги сўзни кутишарди.

Чекка сочлари оппоқ, тепакал, тақа мўйлаб, бурни устида «велосипед» қотмадан келган Ҳабиб домла Ниёзий одамлар ичидан минбар томон оҳиста юрди, раислик қилувчига бош иргади, сўнг залга боқди. Залнинг сув қуйгандек жимлиги кекса олимга қудрат бағишладими, у ҳаяжон билан сўз бошлади.

— Ҳурматли раис! Азиз ўртоқлар! Мен гапни яқин ва узоқ тарихимиздан бошламоқчиман, назаримда ҳозир бу жуда зарурга ўхшаяпти. Одатдагидек, процентлар... рақамлар... айтилди, бу тўғри ва керак, қўшиламан. Масковдаги катталаримиз шаънига ҳамду санолар айтиш одат тусига кирди, зарурати бўлмаса ҳам...

Шу лаҳза президиумда ўтирган «катта оға» ялт этиб нотиққа қаради. Ўзбек тилида гап кетаётганидан норизо бўлиб, афтини буриштирди, энсаси қотди. Бу олим эмас, оми одамга ўхшаб кўринди. Академикнинг гапини таржима этиб, қулоғига оғзини яқин олиб борган раислик қилувчига ўхтин-ўхтин савол бериб турарди. Залда ўтирганларга академик сўзини бошланиши ёқдими, одамлар жон қулоқларини тикдилар.

— Эзгу ватанимиз Ўзбекистон тарихи минг йиллар билан ўлчанади. Кейинги юз йиллик — мустамлака тарихимиз бўялди. Ҳижрий, мелодий ҳисобини ҳам олсак бўлади, минг йил ичида буюк Туронда уч катта тўлқин содир бўлган, деган мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Кейинги йилларда мустамлака тарихимиз қалин парда остида қолди. Кекса тарихимда биринчи тўлқин — Алп Эр Тўнга, яъни Афросиёбни, буюк Сиёвушни... тараққий топган Кушон давлатини кўзда тутаяпман... Иккинчи тўлқин — уч юз йил мобайнида Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмийлар, Салжуқийлар салтанати Ҳимолай тоғидек қад кўтариб, бу томони Чину Кашмиру Панжобгача, бу томони Синд дарёсию Мекрон, яъни Белужистон, бу томони ғарб — Бағдоду Қарбало, Мозандарону Ғилон, Луристону Ширвонгача етди. Хоразмийлар ўн бир маротаба Қоҳираю Бағдод, Ҳалабу Дамашқни эгалладилар. Бу даврда Туронзамин мислсиз тараққиёт топиб, дунёга Хожа Аҳмад Яссавий, Исмоил ал-Бухорий, Мусо ат-Термизий, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Баҳовуддин Нақшбанд, Маҳмуд Қошғарий, ал-Беруний, Ибн Сино, Наршахий... юзларча меъморлар, олиму уламо, фозилу фузалоларни берди...

Президиумда ўтирган «катта оға» (виқор билан) луқма ташлади:

— Домла! Бу гапларни академия президиумида айтасиз. Бизнинг мажлисимиз моҳияти бошқача! Сиз тушунадиган одамсиз-ку!

— Йўқ, азизим! Бу гапларни шундай катта йиғинларда айтмоқ керак! Марҳамат қилиб, гапимни бўлманг!

Бу кескин сўзни эшитган одамларнинг юраги шиғиллаб кетди.

— Турон замин бахримуҳитдек тўлқинланиб, соҳилларини ларзага келтиргани хусусида қанчалаб китоблар ёзилди, — деди академик сўзини давом эттириб. — Она тарихимиздаги учинчи катта тўлқин буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур тузган салтанатдирки, ўз заковати, даҳо салоҳияти, шаҳду шижоати, илму камолоти ила анча ўзиб кетди. Мозийдаги на сомонийлару салжуқийлар, на қорахонийлару исмоилийлар, на араблару хоразмийлар ва на мўғуллар бу даражага ета олди! Бу давр дунёга Шайхулислом ҳазрат Мир Саид Баракани, Ғиждувонийни, Нажмиддин Куброни, Мирзо Улуғбеку Хўжа Ахрорни, Бобурни, Навоийни берди... Асрлар қаърига кириб, аждодлар овозига қулоқ солганман, қанчалар армону уқубат, пушаймону ҳақиқат, нолаю қувонч қулоққа чалинади. Тупроқ қатларида ётган миллий қадриятларим, муҳаббат ҳароратини ҳам сезгандек бўламан. Отларнинг кишнаши, аслаҳа, жабдуқ, қуролярогларнинг жаранг-журунги, ҳайқириқ нидолари, наъраю музаффарият қувончлари, мағлубларнинг зиндоний оҳу надоматларини ҳам тинглайман. Боғи эрамлар олис-олисларда саробдек кўзга ташланиб, ғойиб бўлади... Пинакка кетган камина севикли невараларимнинг қийқириғи билан уйғониб, яна мозийдан бу замонга қайтиб, ўз аслимга келаман, рўбарўда ойнаи жаҳон, невараларим сочларини силайман, ўтмиш қолиб, замонимга қайтаман...

Яқинда мен Оврупо киночилари биргаликда яратган «Христофор Колумб» филмини кўрдим. Испан бахрайни Колумб, шу замондаги фақат овруполик ёки бир сўз билан айтганда христиан дунёси, католик динидаги олимлар, сайёҳлар, бахримуҳитда сузувчилар деб тилга олинади. Фақат Марк Пололар ҳақида сўз юритилиши лозим дейдилар. Унинг саргузаштлари, донишмандлиги, қаҳрамонлиги тавсиф этилмоғи лозим, дейдилар. Тавба, бу масхарабозлик-ку! Шарқ маърифати, дунёдаги машҳур сайёҳлар номи мутлақо тилга олинмайди. Шарқ билан Ғарб ўртасига катта девор қўядилар. Беш юз эллик йил муқаддам Амир Темур салтанати дунёга донг таратгани ҳатто Испания қиролининг элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо узоқ вақт Самарқандда, соҳибқирон саройида тургани, китоб ёзгани хусусида ҳам чурқ этмайдилар. Ундан анча аввал машҳур Синдбоди — Баҳрайн, ибн Баттуталарнинг жаҳон океанларини неча бор сузиб айланиб чиққани, қанча ороллар, соҳилу қитъалар, чангали мозандаронлар, ёнар тоғларни очиб, жаҳон афкор оммасига маълум қилганликлари қаёқда қолди!?

Улар ислом мамлакатларининг кишилари бўлгани сабабли тилга олинмагани, шу замонда яшаб, тарихга диний айирмачилик нуқтаи назаридан ёндошган Ғарб тарихчилари, адиблари, киночиларининг сўзларига мутлақо ишонмайман! Яна шуни ҳам қайд этмоқ лозимки, Испаниянинг гўзал ўлкаларидан бири Андалузиядан қанчалаб араб бахрайну сайёҳлари чиққан. Аксинча, филмда қирол қўшини араб-мавр отлиқларини ўраб олиб, чопиб ташлагани, «басурманлар» деб паст назар биан қараганлари ҳижжалаб кўрсатилади. Марко Пололар бор, аммо Синдбод Баҳрайн, ибн Баттуталар йўқ! Напалеон, Петр 1 бор, аммо улуғ Амир Темур йўқ! Мана шундай адолатсизлик овруполик баъзи олимлар учун одатий бир тусга кириб қолган, буюк Шарқни менсимаслик, ўзбекни билмаслик ҳозирги кунда яна авж олмоқда. Ҳамон шундай экан, бебаҳо Шарқ қадриятларини ўғирлаб олиб кетмасликлари керак эди! Ҳатто Колумбдан анча аввал ўтган Абу Райҳон Беруний Америка қитъаси ҳақида хабар берган эди: «...Баҳримуҳит ортида буюк рўйи-замин бор» деб «Ҳиндистон» китобида башорат қилиб ёзгани нега эсланмайди? Улар бу башоратни билмаган бўлишлари мумкин, аммо Синдбод ила ибн Баттутани биладилар-ку, уларни тилга олмаслик кечириб бўлмайдиган гуноҳ эмасми! Ҳа, биз бундай камситишларга кўникиб қолганмиз!

— Домла! Бу гапларни кераги йўқ! Асосий масалага ўтинг! — деди раислик қилувчи. Унинг қулоғига «катта оға» шивирлаган эди, — вақтингиз ҳам тугаёзди. Нима керак шу гаплар!!!

— Йўқ, гапирсинлар! — деди залдан бирдан гуруллаб овозлар кўтарилиб.

— Биз эшитамиз! Домлага халақит берилмасин! — дейилди залда ғулу кўтарилиб.

Бу воқеа академикнинг назарида, уйғониш, «Мачалоплар»дан қўрқмаслик аломати эди.

Раислик қилувчи миқ этолмади, ёнидаги «оға»га сигирқараш қилди. У ҳам индамади.

— Не-не жафоларни бошдан кечирган она Ватанимиз Ўзбекистон тарихи яна бир бало-қазога учрамасин, деб ўтмиш сиймоларини тирилтиришга қўл урдим. Аллоҳнинг ўзи йўл берсин. Инсон кўнгли гулдек нозик бўлгани билан унинг жисми темирдек маҳкамдир, машаққатларга, дилозорликларга, дўқ-пўписаларга, адолатсизликларга бардош бера олади. Ўзбек халқи — рўйин тандир! У ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, қилич кесмайди, ўқлар тешолмайди!!!

Нотиқ минбарнинг ўнг томонига қўйиб кетилган стакандаги сувдан бир қултум ичди. Зал сув қуйгандек жим. Одамлар чапак чалишни ҳам, чалмасликни ҳам билмасди. Лекин шундай мард инсон сўзига жуда муштоқ эканлиги сезиларди. Аллақандай қоғозни олиб, яна маърузасини давом эттирди:

— Бир адибимиз мозийдаги манқуртлар ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолди. Тўғри, бу бўлган воқеа... Наҳотки, биз шу қисматга маҳкум этилган инсонлар билан фахрланса! Агар туркий халқларнинг ҳарбий салоҳиятига боқсак нечун мамлуклар1 мисол қилинмайди?! Улар мамлакат учун, ўз она юрти учун жон берганлар-ку! Улар жуда кўп бўлган. Улар манқуртларни билмаган ҳам!

Босқинчи Чингизхон лашкарида маркет, керсид татар лашкарлари кўп бўлган, улар ичида манқурту ундан баттар йиртқичлар ҳам бўлган, улар ўз онасини танимаслиги у ёқда турсин, ўз қўли билан ота-онасини ўлдирганлар. Бу тарихдан маълум. Улар нўёнларга садоқатли бир итдек хизмат қилганлар. Босқинчи чингизий мўғуллар ичидан на Афросиёбу Сиёвуш, на Рустами достон, на Паҳлавон Маҳмуд, на Жалолиддину Темур Малик, на Широқу Тўмарис ва на соҳибқирон Амир Темур чиққан! Тарих буни бизга айтиб турибди!

Аллоҳнинг иродасига зид тайёрланган тўртта манқурту гиёҳванд тўртта бачча... бутун бир Шарқ халқлари юзини кўрсатадими?! Манқурт сўзини такрорлайверишдан мақсад нима?! Хўп, бу Масков учун, Лондон... учун керакдир. Бизларни «баран» десалар, иккинчилари «тюбетейка» деса, ҳа майли, оғир бўлинглар, дея берамизми? — Сабр косаси тўлди-ку! Сал-пал ўйлаш керак, дўстлар! Инсоннинг сиртига, ҳусну жамолига, югурдаклигига эмас, қалбига қараш керак! Эркин фикр айтадиган замон ҳам келиб қолар... Мустақил бўлармиз,истиқлол деб яқин кечмишдан биринчи бўлиб зиёлилар, адиблар шахсга сиғиниш қурбони бўлди. Отилдилар!

— Бу — академик эмас, диссидент! Хўп, унга ишониб юрган эканмиз! — деди президиумда виқор билан ўтирган «катта оға» чап ёнига қайрилиб раислик қилувчи қулоғига шивирлаб. Кейин шими чўнтагидан рўмолчасини олиб қаттиқ бурнини қоқди. Мўлтайиб залга тикилди.

— Нима қиламиз, бу одам шундай қинғир бўлгандан кейин! — деди раислик қилувчи.

— Бу академик эмас, националист! То-ест, буржуа националисти! Уни иккинчи бор бундай йиғинларга чақирмаслик керак! Таржимаи ҳолини текшириш лозим! Тезда!!!

Раислик қилувчи бош иргаб, маъқуллади-ю, лекин овозини чиқармади.

Нотиқ борган сари авжига миниб, қайнаб, юрагидаги бор сўзларини айтарди. У ҳеч нарсадан ҳайиқмасди. «Қари нодонга ким ақл ўргатади», — деди залда ўтирган унинг кекса бир дўсти.

Зал қилт этмай тинглар, лекин баъзилар дилида бу эсини еган чол ўз бошини ўзи емаса яхши эди! Кексайганда ўт билан ўйнашмоқ яхши эмас! — деб ўйларди. Зерикарли маърузаларга ўрганган одамлар учун бу бир чақмоқ бўлди. Кимдир ҳақиқатни бундай айтмоқ жуда хавфли, деб қўрқарди ҳам. Нутқ тугаши биланоқ, залда гулдурос қарсаклар янгради. Қарсаклар анча вақтгача давом этди. Домла келиб жойига ўтиргунча давом этди.

* * *

Ҳа, орадан кўп ўтмай академик илмий тадқиқот институти директорлигидан бўшатилди. Газетада унинг «Миллий махдуд олим» экани, неварасини суннат тўйи қилгани, уйида ёзув столи устида «Қуръон» тургани, жанозаларда сафда бўлгани (фотосурати ҳам босилган), ҳайит куни Ҳасти имомга жума намозига боргани (машина номери ёзилган) ҳақида катта мақола чиқди. Домла партия сафидан ўчирилди. Кўп ўтмай қамалди... Буёғи ўзи бир тарих, терговчилар гуруҳи Москвадан тезда етиб келди...

Бу фожиани барча эшитди, лекин барчанинг дами ичида қолган эди...

1997 й.

1. Николай замонида Тошкентни қўрқитиб турган катта пристав Мочалов

2. Академик З. Буниятов, «Мамлуклар мислсиз баҳодир ҳарбийлар бўлган. Аълсиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшинида мамлуклар қаҳрамонлик кўрсатган. «Государство Хоразмшахов-Ануштегинидов». М., 1986.90-бет.

ҚЎШИҚ—МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройи ўтган ҳафтанинг икки куни давомида қўшиқ ихлосмандлари билан гавжум бўлди. «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг якунловчи танловига туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, бир қатор вазирликларда ўтказилган маҳорат беллашувларининг ғолиблари тақлиф этилди. Тошкент Давлат консерваториясининг ректори Равшан Юнусов раҳбарлигидаги нуфузли ҳайъат аъзолари икки кун давомида якунловчи босқич иштирокчиларининг ижро маҳоратларини, қўшиқларнинг матнларини, уларга басталанган куйларнинг савиясини синчиклаб баҳолардилар. Ҳар бир санъаткорнинг овоз имкониятлари, қўшиқчи шоир ва бастакор мақсадини ифода эта олиши, мусиқадаги янгилик, ўзига хослик ва шу каби бир қатор ҳолатларга алоҳида эътибор берилди. Ва ниҳоят, ғолиблар аниқланиб, уларнинг номлари эълон қилинди.

Биринчи ўрин сурхондарёлик ёш санъаткор Норали Алланазаровнинг фолклор-этнографик ансамбл билан бирга ижро этган «Ватанимни куйлайман» қўшиғига берилди. Айтиш лозимки, Норалининг ижро маҳорати мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлди. Юзларида жануб қуёшининг олов тафти шундоққина уфуриб турган ансамбл ёш раққосаларининг табиий ва самимий ҳаракатлари, жозибали ва ўйноқи мусиқа, режиссурадаги оригиналлик ва яна реал ҳаётимизнинг аниқ мусиқий манзаралари ҳайъат аъзоларининг юксак баҳосини олди. Ансамбл ўз устида ишлашни давом эттирса, бундан-да катта ютуқларга эришиши табиий.

Иккинчи ўрин Ички қўшинлар бошқармаси «Турон юлдузлари» ансамбли иштирокчилари томонидан катта маҳорат билан куйланган «Мардона-мардона» (Пўлат Мўмин шеъри, У. Ҳамдамов мусиқаси), республика уқувчилар саройи хор жамоаси томонидан ижро этилган «Мустақиллик лолаларимиз» (Нормурод Нарзуллаев шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси) ва хонанда Кумуш Раззоқованинг «Ўзбекистон» қўшиғига (Жуманиёз Жабборов шеъри, Дилором Омонуллаева мусиқаси) берилди.

Учинчи ўринга ҳам уч жамоа — қорақалпоғистонлик санъаткор Кенесбой Сержанов ижро этган «Яшна она Ватаним» қўшиғи (З. Низомиддинов шеъри, К. Сотволдиев мусиқаси), самарқандлик Эркин Қайтаров ижро этган «Нурли жаҳоним Ўзбекистоним» қўшиғи (Жуманиёз Жабборов шеъри, Э. Қайтаров мусиқаси) ва наманганлик ижрочи Рустам Мамадалиев томонидан куйланган «Ўзбекистоним» қўшиғи (Йўлдош Сулаймон шеъри, А. Асқаров мусиқаси) муносиб кўрилди.

Қўшиқ байрамида фаол иштирок этган ва мухлислар томонидан юқори баҳоланган бир қатор ижрочиларга рағбатлантирувчи мукофотлар, қўшиқ байрами ҳомийларининг махсус совринлари, қўшиқ байрамини ўтказиш ташкилий қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда ташкилотлар, ҳокимликлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар топширилди. Совриндорларнинг руйхати газетамизнинг ушбу сонида эълон қилинмоқда.

Байрам якунлари мустақил диёримизда миллий санъатимизнинг барча турлари қатори қўшиқчилик санъати ҳам ривожланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Халқимизнинг энг севимли, орзиқиб кутадиган байрамларидан бирига айланиб қолган бу маҳорат беллашуви ўтган йилдаги каби бутун республика бўйлаб кенг қанот ёзди. Танлов босқичларида янги-янги овозлар, маҳоратли ижрочилар, истеъдодли бастакорлар, халқимизнинг энг ноёб куй-қўшиқларини ижро этадиган бахши ва ҳофизлар кашф этилди. Болалар қўшиқчилиги янги сифат босқичига кўтарилаётгани, Ватан ҳимоячиларининг қўшиқлари қўшиқчилик санъатимиз тўридан муносиб жой олаётгани, фолклор-этнографик дасталар кўпайиб бораётгани ғоят қувончлидир. Якунловчи босқичда ижро этилган қатор асарларни мукаммал бадиий-публицистик композицияларга қиёслаш мумкин. Андижон Давлат тиллар педагогика институти жамоаси ва яккахон ижрочи Мирзағолиб Мирзараҳимов томонидан ижро этилган «Кўзим қароғига жойланган Ватан» қўшиғи (Мухтор Умархўжаев шеъри, Р. Самиев мусиқаси) ижро маҳорати ва режиссура ечими билан кўпчиликка маъқул бўлди. Ижодий жамоа жуда катта ташкилий ва ижодий изланиш ҳисобига мустақил юртимизнинг бугунги мунаввар манзараларини, эришаётган ютуқларимизни ёрқин ифода этганлар. Хоразм марказий маданият уйи фолклор жамоаси, намангандан келган «Навбаҳор» рақс ансамбли иштирокчилари маҳорати тўғрисида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

Бундай байрамларни ўтказишдан кўзда тутилган мақсадлардан бири халқимиз севиб куйлайдиган оммавий қўшиқларни кўпайтиришдир. Сирдарёлик Асатилла Холиқовнинг хор жамоаси билан биргаликда ижро этган «Сунгги қўнғироқ» қўшиғи (А. Менглибоев шеъри, Алишер Икромов мусиқаси) ана шундай оммавий қўшиқлар сирасига киради. Жиззахлик Лариса Москалеванинг «Барибир севаман», қуролли кучларимиз вакили Камолиддин Раҳматовнинг ашула ва рақс ансамбли жўрлигидаги «Бу менинг Ватаним» (К. Жумабоев шеъри, К. Раҳматов мусиқаси) қўшиғи, андижонлик Давлатхон Тошматованинг Усмонжон Шукуров шеъри билан айтган «Ифтихоримсан» қўшиғи, навоийлик Нодира Ахматбекованинг «Ўзбекистон» (Иброҳим Жиянов шеъри, С. Роева мусиқаси) қўшиқлари тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Якунловчи босқичда муваффақиятли иштирок этган Орзигул Камолова, Дилнура Қутлимуродова, Бахтиёр Иброҳимов, Санобар Сатторова, Муроджон Чинтошев, Орифжон Омонов, «Аловиддин» шоу-гуруҳи, Ширин Қурбонова, Ж. Сайфуллаевлар оилавий жамоаси, Қува тумани «Анор» ансамбли, Дилшод Каттабеков, Андрей Аникин ва бошқаларнинг маҳоратлари «Туркистон» саройига йиғилган кўпсонли мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Сўнгги хулоса шуки, мустақиллик шарофати ила бизда ўзликни англаш, ўзликни намоён этиш ҳисси тобора кучайиб бормоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида одамлар ўз лаёқатларини, илоҳий инъом ҳисобланмиш бетакрор истеъдодларини юзага чиқармоқдалар. Миллий санъатимизнинг бугунги авж пардаси, миллий ва умумбашарий мазмуни буни яққол ифодалаб турибди. Бугун мумтоз қўшиқчилигимизда, замонавий эстрада жанрларида шундай ёшлар ижод қилмоқдаларки, улар эртаиндин бағоят ёқимли назокат билан бу борада анчайин қотиб қолган, микрофонга, фонограммаларга ёпишиб олган устозларига қарата «уста, бироз суриласизми» дейишлари аниқ. Чунки, бу ёшлар бевосита халқ орасидан, жонли овозларнинг жонли мусобақаларидан етишиб чиқишмоқда.



А. МЕЛИБОЕВ

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР

«Бухором бор» қўшиғи учун. Самандар Воҳидов шеъри, К. Искандаров мусиқаси. Ижрочи **Орзигул Камолова.** Бухоро вилояти.

«Кўзим қароғига жойланган Ватан» қўшиғи учун. Мухтор Умархўжаев шеъри, Р. Самиев мусиқаси. Ижрочилар — **Андижон Давлат тиллар педагогика институти жамоаси. Яккахон ижрочи Мирзағолиб Мирзараҳимов.**

«Ўзбекистоним менинг» қўшиғи учун. Олимжон Бўриев шеъри, Т. Маҳмудов мусиқаси. Ижрочи **Санобар Сатторова.** Тошкент вилояти.

ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ҲОМИЙЛАРИНИНГ СОВРИНЛАРИ:

«Наврўз» хайрия жамғармасининг совринни — **«Барибир севаман»** қўшиғига. Уйғун шеъри, Ш. Носиров мусиқаси. Ижрочи — **Лариса Москалева,** Жиззах вилояти.

Амир Темур жамғармаси совринни — **«Ўзбекистон»** қўшиғига. Иброҳим Жиянов шеъри, С. Роева мусиқаси. Ижрочи — **Нодира Ахматбекова,** Навоий вилояти.

«Камолот» жамғармаси совринни — **«Менинг Ватаним»** қўшиғига. Жуманиёз Жабборов шеъри, Анор Назаров мусиқаси. Ижрочи — **Исмоил Жалилов,** «Ўзбекнова» гастрол-концерт бирлашмаси.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги совринни — **«Азиз бўлсин Ўзбекистон»**қўшиғига. Мирпўлат Мирзаев шеъри, Д. Омонуллаева мусиқаси. Ижрочи — **Дилшод Каттабеков,** Маданият ишлари вазирлиги.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри совринни — **«Юртимизда шодиёна»** қўшиғига. Қ. Муҳаммадризо шеъри, Б. Ўринов мусиқаси. Ижрочилар — **Хоразм вилояти Марказий маданият уйи фолклор жамоаси.**

Шунингдек, **«Сўнгги қўнғироқ»** (М. Менглибоев шеъри, Алишер Икромов мусиқаси, ижрочи **Асатилла Холиқов** ва **Гулистон санъат мактаби хор жамоаси**) ҳамда **«Бу менинг Ватаним»** (К. Жумабоев шеъри, К. Раҳматов мусиқаси, ижрочи **Камолиддин Раҳматов** ва **Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли)** қўшиқлари ижрочиларига ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ички ишлар вазирлиги совғаси қўшиқ байрамининг саҳналаштирувчи рассоми **Бахтиёр Тўраевга** топширилди.

Усмон Азим шеъри,
Дилором Омонуллаева мусиқаси

«ШАРҚ ТАРОНАСИ»

(Фестивал мадҳияси)

Дунёнинг кўнглига сен бердинг ҳаёт,
Руҳингдан, Она Шарқ, яралди баёт.
Куйламоқ шавқида моҳир ўзингсан,
Ҳофиз ўзингдирсан, шоир ўзингсан.

Жўр бўлгин, инсонга мусиқа — қанот,
Қўшиқдан кўнгиллар бўлғуси бунёд.
Қўшиқда ўртанган тилаксан, О Шарқ,
Жумлаи жаҳонга юраксан, о Шарқ!

НАҚОРАТ:
Салом Самарқанд — Шарқ дарвозаси,
Тарал жаҳонга — Шарқ таронаси!

(инглизча)
Greeting, Samarkand, gateway of the East,
With the music spread through West and East.



ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ТАНЛОВИ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИЛАР:

Хоразм вилоят болалар фолклор этнографик жамоаси, «Хумо ва булбул» қўшиғи учун, Д. Сафарова ва Б. Отажонов шеъри, халқ куйи.

Тўлқин Ёқубов, Андижон вилояти. «Ватан» қўшиғи учун, Ё. Ҳакимов шеъри, А. Пармонов мусиқаси.

Зиёда Акбарова, Андижон вилояти. «Эй диёрим» қўшиғи учун, М. Аҳмедов шеъри, А. Сотволдиев мусиқаси.

Шаҳноза Боева, ижтимоий таъминот вазирлиги. «Хумо» қўшиғи учун, Т. Ниёз шеъри, А. Исмоилов мусиқаси.

Ўрол Эшдавлатов, Сурхондарё вилояти. «Ватан» қўшиғи учун, Мухтор Худойқулов шеъри, Х. Тўрақулов мусиқаси.

Муроджон Чинтошев, Тошкент вилояти. «Туркистон болалари боғ айлагай» қўшиғи учун, М. Юсуф шеъри, А. Сайидаминов мусиқаси.

А. Қўқонов, Фарғона вилояти. «Оқибат йўқолмасин» қўшиғи учун, Ш. Аҳмедов шеъри, халқ куйи.

Қува тумани «Анор» дастаси, Фарғона вилояти. «Ҳур Ўзбекистон» қўшиғи учун, Х. Сайдуллаев шеъри, Ш. Иномов мусиқаси.

Хоразм вилояти маданият уйлари бирлашган мақомчилар дастаси, «Бўстонни ясантир» қўшиғи учун, С. Абдулла шеъри, халқ куйи.

Хоразм вилояти 12-болалар мусиқа мактаби хор жамоаси, «Нурли авлод» қўшиғи учун. Пўлат Мўмин шеъри, Ш. Ёрматов мусиқаси.

Баҳористон тумани мусиқа мактаби фолклор-этнографик жамоаси, «Шу Ватан бизники» қўшиғи учун, А. Сафаров шеъри, С. Аминов мусиқаси.

Раҳима Сатторова, Маданият ишлари вазирлиги тизими, «Яшнайвер абад» қўшиғи учун, Х. Аминов шеъри, Х. Амирқулов мусиқаси.

«Бойсун» фолклор этнографик халқ ансамбли, «Ватан зикри» қўшиғи учун. Х. Хурсандов шеъри, Х. Умаров мусиқаси.

Турғун Бекназаров, Тошкент шаҳри. «Шукрона» қўшиғи учун, Ўткир Раҳматов шеъри, Б. Лутфуллаев мусиқаси.

«Нола» гуруҳи, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, «Тошкентим» қўшиғи учун, Пўлат Мўмин шеъри, Б. Зокиров мусиқаси.

Козим Қаюмов, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, «Темур» қўшиғи учун, Ҳамид Ғулом шеъри, Д. Илёсов мусиқаси.

Давлатхон Тошматова, Андижон вилояти. «Ифтихоримсан» қўшиғи учун, У. Шукуров шеъри, халқ куйи.

Бахтиёр Бобохонов, Сурхондарё вилояти. «Муборак Ўзбекистон» қўшиғи учун, Ш. Раҳматуллаев шеъри, Б. Бобохонов мусиқаси.

Ширин Қурбонова, Тошкент шаҳри. «Салют Тошкент» қўшиғи учун, муаллиф сўзи ва куйи.

МИЛЛИЙ РАҚСИМИЗ РАВНАҚИ

Республика Хореография билим юрти битирувчиларининг бу йилги ҳисобот концерти шу даргоҳнинг 50 йиллик юбилейи нишонланиши олдидан бўлгани учун ҳам ўзига хос туёнадек таассурот қолдирди. «Жаконда», «Хотира», «Болеро» деб номланга уч қисмдан иборат бу концерт барча устозлар ва талабаларни, рақс санъати мухлисларини юксак савияси билан мафтун этди. Саҳнада гўё талабалар эмас, профессионал раққос ва раққосалар хиром этдилар.

Ҳисобот концертидан сўнг билим юрти раҳбари **Қўрқмас Соатов** ва устоз санъаткор **Қундуз Миркаримова** билан суҳбатда бўлдик.

Қ. Соатов билим юртида ўқиш-ўқитиш ишлари хусусида қисқача сўзлаб берди:

— Ўқув масканимиз Хореография олий мактабига айланиши олдимизга катта вазифаларни қўйди. Илгари балетмейстерликка Москва, Ленинградда ўқиб келиш лозим эди. Энди ўз республикамизда юксак малакали балетмейстерлар ва репетиторлар етиштириб чиқарамиз.

Уйлайманки, «Ўзбекрақс» бирлашмаси тузилиб, миллий рақс санъатимизга эътибор кучайган бугунги кунда бизда етишиб чиқадиган мутахассисларга эҳтиёж катта бўлади.

Яна бир гапни мамнуният билан айтишим керакки, ҳозир нафақат бизнинг республикамизда, балки ундан ташқарида ҳам миллий рақсимизга қизиқиш ниҳоятда катта. Ҳозирги кунда Жанубий Корея, Швейцария каби мамлакатлардан келиб ўқиётган талабаларимиз борлиги фикримизнинг далилидир.

Концертнинг «Хотира» қисмини Қундуз Миркаримова саҳналаштирган. У киши бу концерт номерининг туғилиш жараёни ҳақида сўзладилар:

— Ярим соат давом этадиган бу қисмда устозимиз Мукаррам Турғунбоева ижодининг олтин фондидан жой олган рақсларни жамлашга ҳаракат қилдим. Бу биргина менинг эмас, балки барча рақс фидойиларининг устозга ҳурмати рамзи бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Энди хореография олий ўқув даргоҳининг ташкил этилиши масаласига келсак, бу жуда катта иш бўлди. Тўғри, шу кунгача ҳам балетмейстерларимиз турли ансамбларда фаолият кўрсатиб келаётган эдилар. Лекин очиғи, ҳаммасининг ҳам билим даражаси қониқарли эмасди. Аксар ҳолларда маслаҳатсиз, ўз билгиларича ишлайверардилар. Бундан буён ўқув жараёнларини изга тушириб, режали суратда иш олиб борсак, ўйлайманки, миллий рақсимиз янги поғоналарга кўтарилади. Ҳозир етук мутахассислар тайёрлаш учун имкониятимиз етарли. Галия Измайлова, Шокир Аҳмедов, Қодир Муминов каби яхши мутахассисларимиз бор.

Ҳақ гап. Бугун Хореография олий ўқув юрти катта ишлар сари илк қадамни ташлаш арафасида турибди. Ҳозир жим-жит бўлиб, бўшаб ётган ўқув хоналари ҳадемай талабалар гувур-гувури билан тўлади. Бу ерга ўзбек миллий рақс санъати равнақига ҳисса қўшишга, уни жаҳон сари олиб чиқишга бел боғлаган ўғил-қизлар тўпланадилар.

Г. УМАРОВА

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан барча ерда бўлгани каби Давлат Санъат музейида ҳам бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Уни ўтказишдан асосий мақсад халқнинг оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тарбиясини юксалтириш борасида давлат ва ижтимоий муассасалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада яхшилашдир. Тадбирда Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат», «Камолот», «Маҳалла» жамоатчилик ташкилотлари, санъаткорлар ва санъат ихлосмандлари иштирок этдилар. Юқорида номлари зикр этилган ташкилотлар ҳамда Санъат музейи ўртасида ҳамкорлик шартномасини имзолаш маросимида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темиров, «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раиси ўринбосари Ш. Ёрматов, «Камолот» ёшлар жамғармаси раиси ўринбосари К. Юсупов, Санъат музейи директори Н. Иброҳимова сўзга чиқдилар.

Ойхон Ёқубова бошчилигидаги «Гавҳар» фолклор-этнографик ансамбли ҳамда Салтанат Сиддиқова раҳбарлигидаги «Камалак» фолклор ансамбларининг чиқишлари тадбирга файз бағишлади.

Тадбир сўнгида «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар жамғармалари ҳамда Санъат музейи ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Х. ҚОДИРОВ

ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАНЛАР ИЗИДАН

Шу йилнинг 11—18 июл кунлари Узбекистон ҳужжатли филмлар киностудиясининг бир гуруҳ ходимлари Туркияда бўлиб қайтди. Сафардан мақсад таниқли адиб Хайриддин Султоновнинг «Улар Германияда ўқиган эдилар» сценарияси бўйича (мазкур номдаги бизнинг рисоламиз асосида) филм яратиш эди. Сафар чоғида кинорежиссёр Шуҳрат Маҳмудов, кинооператор Ғайрат Шукуровлар билан камина ҳам илмий маслаҳатчи сифатида ҳамроҳлик қилдим.

Биз Истанбул, Анқара шаҳарларида бўлиб, бир вақтлар юртимиздан Германияга бориб ўқиб, кейинчалик қатағон туфайли ўз элларига қайтолмай Туркияда қолиб кетган ватандошларимизнинг кейинги ҳаётлари ва тақдирларини суриштирдик. Уларнинг бу ерлардаги турли олий ўқув юртлари ва муассасаларда геология, зироатчилик, фалсафа, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги илмий-педагогик фаолиятлари, яратган илмий асарлари билан қизиқдик. Улар ишлаган ва яшаган жойлар, дафн қилинган қабристонларни зиёрат қилдик. 20-йилларда Тошкентдан Германияга бориб ўқиб, Туркияда қолиб кетган ўзбек ёшларидан Абдулваҳоб Ўқтой ва унинг рафиқаси Саидахоним Ўқтой хонадонида бўлиб, унинг қизи доктор Эжейхоним билан учрашдик. Анқара университетининг профессорлари Иброҳим Ёрқиннинг ўғли Санжарбек, Абдумажид Иброҳимовнинг қизи Гулшан Жонли, Тоҳир Чиғатой шогирдларидан Шокир Турон ва бошқаларнинг оталари ва устозлари ҳақидаги хотираларини тасвирга туширдик. Уларнинг архивларида сақланиб келаётган нодир фотосуратлар ва Узбекистондаги авлодларидан олган айрим мактубларни, қолдирган асарлари билан танишдик. Булар ичида, айниқса, бизда марҳум ватандошимиз Иброҳим Ёрқин қолдирган асарлар катта таассурот қолдирди. У Анқара университети зироат факултетида қарийб қирқ йил ишлаб, шу йиллар ичида зироатчилик соҳасида кўплаб асарлар яратган ва шогирдлар етиштирган машҳур олим экан. Унинг ўғли Санжарбек бизга уларни кўрсатиб, «Отам умрларининг охирларида китобларининг ҳаммасини бир ерга тўплаб (улар турк, инглиз, немис, француз, можар тилларида, қарийб 30 дан ортиқ) устига ўз қўллари билан «Бу асарлар профессор, доктор Иброҳим Ёрқин тарафидан Узбекистон илмий академияси кутубхонасига», деб ёзиб она ватанлари Узбекистонга юборишга тайёрлаб қўйган эдилар. Мен отамнинг ушбу васиятларига кўра уларни Узбекистон Фанлар академияси кутубхонасига йўллайман», — деди.

Бундан ташқари, Истанбулда булганимизда ватандошимиз — ўзбек қизи доктор Ойпари Қайнар ва унинг онаси Азиза опа, Эжейхоним билан ҳам суҳбатда бўлдик. Улар бизларга Абдулваҳоб Ўқтой ва Саидахон Ўқтой ҳақидаги хотираларини сузлаб бердилар. Доктор Ойпари Қайнар Чулпоннинг «Гузал Фарғона» шеърини ўз ижросида ўзбекона оҳангларда ёқимли хиргойи қилди.

17 июл куни Анқарадаги Аҳмад Яссавий вақфида бўлиб, унинг Бошқони Ҳуррият-хоним Эрсой билан учрашдик. Учрашувда сафаримизнинг мақсади, Узбекистон ва Туркия ўртасидаги илмий, маданий алоқалар тарихи ва унинг бугунги аҳамияти ҳақида гапириб бердик. Учрашув сунгида Ҳурриятхоним бизларга Аҳмад Яссавийнинг муқаддас номлари ёзилган турли эсдалик совғалари берди.

Шахсан мен ўзим бу сафардан кўп янги таассурот ва маълумотлар билан қайтдим. Истанбул университети профессори, марҳум Заки Валиди Туғон, шогирди профессор Муҳаммад Сарой билан учрашдим. Доктор Темирхўжа ўғли босмага тайёрлаган «Ёш Туркистон» журналининг 1929—30-йиллардаги сонларининг алоҳида китоб ҳолидаги нашрини олиб қайтдим.

Бу китобни варақлар экансиз, уларнинг саҳифаларида 20—30-йилларда Туркистонда олиб борилган рус совет мустамлакачилик сиёсатининг фожиали оқибатлари, уларга қарши юртимизда олиб борилган курашлар, она юртга бўлган чексиз муҳаббат ва соғинч, унинг душманларига нафрат ифодаланган қатор муҳим ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақола, шеър, лавҳа, хат ва хабарлар билан танишасиз.

Биз қуйида Узбекистонда ҳали нашр бўлмаган Чулпоннинг «Япроқлар» шеърини диққатингизга ҳавола этамиз.

Шерали ТУРДИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти катта илмий ходими

ЎЗБЕК ШОИРИ ЧЎЛПОНДАН: ЯПРОҚЛАР

Куз чоғи тупроқлар гезаруб қолдилар...
Гезариб қолдилар куз чоғи тупроқлар.
Сўнг дамда япроқлар қизариб олдилар
қизариб олдилар, сўнг дамда япроқлар.
Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,
Билмадим кимларнинг қисмати узилур —
Ёнғоқга ёпушуб бир чангал солдилар,
Билмадим кимларнинг умиди йўқ бўлур.
Эй совуқ эллардан муз кийиб келганлар,
У қўпол товушингиз қорларда йўқ бўлсун,
Эй мени боғимда мевани тергانлар,
Қоп-қора бошингиз ерларга кўмулсун.

(«Ёш Туркистон» журнали, 1929 йил, 1 (декабр), 32-33-бетлар).

ТОҒЛАР ОРАСИДА

Қамаши ўрмон хўжалигининг идораси Қизилтепа қишлоғида, Шаҳрисабз — Ғузор йўли,бундай айтганда, катта Ўзбек Тракти ёқасида жойлашган. Ҳамма ишнинг калити раҳбарда. Шу боис ўрмончилар сардори Олимжон Сатторовни идорада ярим кун кутишга тўғри келди. Мен унгача вақтни беҳуда кетказмай атрофни кўздан кечирдим, ўрмончилар билан суҳбатлашдим. Идора ён-теваракда боғ билан ўралган, ер ости қудуғидан муздай зилол сув отилиб, экинзорларга ҳаёт бағишламоқда. Ишчи қизлар ёзнинг иссиғига парво қилмайди, боғда куйманишади: кўчатларни парвариш қилишаяпти, ўтўланларни чопишаяпти. Хўжалик бош муҳандиси Абдуолим Холматов билан танишдик. Автосаройда кўп техника қатор турибди.

— Деярли барчаси яроқли, — деди у, — ёқилғи етишмаслигидан кам фойдаланяпмиз. Ўрмон беги Олимжон эрталаб Чимқўрғондаги ғаллани ўрдириш учун кетганди, келиб қолар.

— Асосий ўрмон бойликлари бу ердан узоқда бўлса керак?

— Ҳа, Ҳисор тоғларининг орасида, — деди Абдуолим. — Эшитган бўлсангиз Майданак, Эгрисув деган жойларни. Қуюқ ўрмонзорларимиз бор. Ўша ёқдаям иккита даламиз жойлашган.

Суҳбатдан шуни англадимки, ўрмон хўжаликлари давлат бюджети ҳисобидан фаолият кўрсатар экан. Аммо улар ҳар йили турли кўчатлар етиштириб сотишади, деҳқончилик қилишади, мева, доривор ўтлар йиғиб топширишади, мавжуд ўрмон заҳираларини қўриқлашади.

Ниҳоят тушдан сўнг ўрмон беги келди. Биринчи учрашувимиз экан, Олимжон баланд бўйли, полвон келбат, ишлаб чарчамайдиган йигитдай кўринди. Ўзиям энди 33 ёшга кирибди. Унинг билан гурунг асносида Қарши қишлоқ хўжалиги коллежини ва Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг ўрмончилик бўлимини тугатганлигини, ўн бир йилдирки, шу ерда турли лавозимда ишлаётганлигини, 1995 йилдан буён хўжаликка бошчилик қилаётганлигини билдим.

— Ўрмонзорларга чиқмоқчимисиз? — деди у тоғликларга хос дангаллик билан.

— Қанийди, тоғлар орасига боришнинг иложи бўлса,— дедим севиниб, — Ҳозир улов дегани катта муаммо.

— Бир иложи бўлар, — деди Олимжон, — барча маълумотларни беришим мумкин.

— Майли.

Тоғ бегининг ҳикоя қилишича, Қамаши ўрмон хўжалиги ихтиёрида 25 минг 817 гектар майдон бор. Шундан

НАЖОТ САЙЁРА-ҚЎРИҚХОНА

9 минг 300 гектари фойдаланиладиган яйлов, 8700 гектари табиий ўрмонзор билан қопланган. 10 минг гектари ўрмон муҳофазасидаги ерлардир. Тоғлардаги бодомзорлар, пистазорлар шунга киради. Чимқўрғон, Майданак, Эгрисув бўлимлари мавжуд. Хўжалик бўйича 136 киши меҳнат қилмоқда. Чимқўрғонда 360 гектар пистазор бор. Буғдой, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Майданакда ўрмонлар ҳимоя қилинади, беда уруғи етиштирилади. Эгрисув — тоғларнинг энг ичкарисида бўлиб, бу ердаям доривор ўтлар йиғилади, ўрмонлар қўриқланади, янги ўрмонзорлар барпо этилади, арча уруғи олинади ва ўстирилади.

Хўжалик бундан ташқари бу йил 400 минг ёғочбоп терак етиштириши, 200 кг. зира, 200 кг. кийик ўти, 1 тонна наъматак уруғи, 1 тонна зирк, 3 тонна асал, халқ истеъмоли молларидан супурги тайёрлаши ва доривор гиёҳларни бевосита ўрмон хўжалиги қўмитасига топшириши режалаштирилган.

Шифобахш ўт-ўланлар териш мавсуми энди бошланаяпти. Тоғларда бу иш бошлаб юборилибди. Тераклар ўсаяпти, асал йиғиб олинмоқда. Хуллас, хўжаликда иш ҳар қачонгидан қизғин. Ўтган йили улар 216 минг сўм соф фойда билан чиққан бўлса, бу йил бир миллион 300 минг сўм фойда режалаштирилмоқда. Негаки, 50 гектарда кўчатзор мавжуд. Шу йил эрта баҳорда туман хўжаликларига 712 мингта турли мевали дарахт кўчатлари сотилди. Бу йил кузда сотиш учун эса камида 1 миллион донадан ортиқ кўчат тайёр. Ёрдамчи хўжаликда 230та қўй боқилаяпти.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тоғларимизда она табиатнинг бусбутун сақланаётгани одамни қувонтириши табиий.

Эртасига ўрмон қўриқчиси Қаҳрамон Муҳаммадиев ҳамроҳлигида тоғларга отландик. Тунни сўлим ва баҳаво қишлоқ-дарада ўтказдик. Ажойиб гурунгбоз муаллим Норбой Ҳакимовдан тоғликлар ҳаётидан ҳангомалар тингладик. Жумладан, шу ерлик Маҳмуд Жалиловнинг бир эшакка қандай қилиб 75 боғ бедани ортиб тоғдан миниб келгани, Норбойнинг соддадил Маҳмудни лойга тухумнинг сариғини қўшишга ишонтиргани, Суяр Тошев деган лангарлик маҳаллий собиқ амалдорнинг бир машинага эшакларни юклаб «гум» қилгани ва бошқа ичакузди ҳангомалар тоғликларнинг суҳбатижонон, зукко ва зийрак кишилар эканлигидан дарак беради.

Кўкбулоқ қишлоғига эрталаб борсак, Олимжоннинг отаси — 85 ёшли Қувондиқ бобо ва онаси 76 ёшли Роҳат момо кўч-кўронин юк машинасига орттириб ёзлик яйловга ўғиллари-ю келинлари билан жўнаётган экан. Машина тепасига чиқдик. Майданак тоғлари, чўққилари юксакликка бўй чўзган. Пастда катта Ўра дарёси шовуллаб, оқиб ётибди. Машина айлана, илон изи йўлдан куч билан тепага ўрлайди. Йўлнинг икки томонида арчазор бошланди. Салқин ҳаво юзга ёқимли урилади. Икки-уч соатда денгиз сатҳидан камида 3 минг метр баландда жойлашган Майданак тоғи этагига чиқиб бордик. Йўлда ўрмон назоратчиси Комил Бозоровга дуч келдик.

— Арчаларни кесиш ҳоллари ҳозир жуда кам содир бўлади, — деди у, — доривор гиёҳларни ҳам асраяпмиз. Худога шукур, одамлар ўрмонзорларнинг аҳамиятини анча тушуниб қолишган. Табиий яйловда ёрдамчи хўжалик бош чўпони Шаҳриддин Тўраев ва отаси Ҳайит ака қўй-эчкиларни боқишмоқда. Йўл ёқаларидаги арчалар орасида машиналар учрайди. Ёзнинг иссиқлигидан бир-икки кунга бўлса-да, қочиб дам олишга келган сайёҳлар.

— Уларгаям қаттиқ тайинлаймиз, — деди Қаҳрамон, — дам олаётганда арчаларга, ўтларга зиён етказмасликни.

Тоғларда ёз пайти тунлар ниҳоятда сўлим бўлади. Тоза, муздек ҳаво ҳар хил кўкату арчаларнинг ёқимли ҳидига қоришиқ. Юлдузлар, ҳар бири пиёладай, ерга жуда яқин кўринади. Ахир, мустабид тузум даврида биргина Қамаши, Деҳқонобод, Ғузор, Яккабоғ тоғларидан озмунча аср юзини кўрган арчалар кесилиб, озмунча дарахтзору кўркам майдонлар ер билан яксон бўлиб кетмадими?! Бир пайтлар Москванинг буйруғи билан тоғларимиздаги кўплаб арчазорлар қалам тайёрлаш учунгина кесиб кетилган экан. Балки, атайлаб назорат, эътиборнинг йўқлигидан тоғлар яланғоч бўлиб қолгандир?! Яқин-яқингачаям табиатни асраш керак, деганда кўп раҳбарлар бурнини жийирарди, табиат ҳақидаги қонунларнинг таъсир кучи кам эди... Энди ҳамма-ҳаммаси кўркам тоғлару серсув булоқлар, минг дардга шифо бўлаётган доривор гиёҳлар, Ватанимизнинг ҳар тошу чўпигача ўзимизники, муқаддас саналади. Уларни ҳимоя қиладиган кучли қонунларимиз бор.

Тоғлар орасига саёҳат тасаввурларимизни бойитади, қарашларимизни кенгайтиради, хаёлларимизни янгилайди...

Норқул ТИЛОВ

Узбеклар ва дунё

Собиқ шўролар даврида Ер юзининг турли минтақаларида яшайдиган халқлар бир замонлар дунёни ларзага солган туркийларнинг ота юрти Ўзбекистонни яхши билмасди. Бугунги кунга келиб аҳвол тамоман ўзгарди: Истиқлолга эришгач ватанимизга қизиқиш жуда ҳам кучайди. Айниқса, Европанинг кўпгина ривожланган мамлакатлари бизга хайрихоҳлик билан қарашмоқда. Коммунистик мафкура отлиғ гов орадан кўтарилгач, дунё халқлари қайтадан яқинлашди. Бу маънавиятда ҳам сезилмоқда. Зотан, дунё халқларини адабиёт бирлаштиради, санъат бирлаштиради. Кейинги қисқа вақт ичида диёримизда «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилгани, машҳур адиб Чингиз Айтматов бошчилигида Марказий Осиё шоирлари анжумани ўтказилгани сўзимизга далилдир.

Ўша йиғинда Чингиз Айтматов ўзбек адабиётини дунё миқёсига олиб чиқиш лозимлиги хусусида гапирди. Албатта, бундай анжуман шу йўлдаги саъй-ҳаракатларга таъсир ўтказади. Лекин адабиётимизни дунё миқёсидаги тарғиботи алоҳида шахсларга, аниқроқ айтадиган бўлсак, шахсий ташаббусга, иштиёққа боғлиқ. Дарвоқе, дунёнинг кўпгина мамлакатларида бизнинг тарихимиз, адабиётимиз, санъатимиз борасида тадқиқотлар олиб борилаётир. Шундай мамлакатлардан бири Олмониядир.

Мен 1995 йил сентябрида «Немис Академияси Айирбошлаш Хизмати» (ДААД) стипендиати бўлиб, ўзбек германисти сифатида Ҳумболд университети профессори, шиллершунос олим Айке Миддел таклифига биноан Олмонияга борганимда худди шу жараённи кузатган эдим. Бу мамлакатда туркийгўй халқлар тарихи, жўғрофияси, маданияти, маорифи, тили, этнографияси, урф-одатлари билан бир қанча илмгоҳлари шуғулланар экан. Жумладан, Шарқшунослик илмий тадқиқот институти, Фрайе университетининг Шарқий Европа ва Туркийшунослик институтлари, Ҳумболд Университетининг Африка ва Осиё фанлари институтлари каби илм масканларида турки халқлар маънавий олами ўзгача қизиқиш билан ўрганилади.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда Олмонияда фаолият кўрсатган таниқли шарқшунос ва туркийшунос олимлар, жумладан, Аннемари фон Шиммел, Алфред Курелла, Петер Циме, Дорис, Шулц, Зигрид Клойнмихел, XIX аср охири — XX аср бошларида фаолият кўрсатган туркийшунослар Ф. Рюккерт, А. Фишер, В. Б. Кауп, Р. Хартман, Й. Бендинг, Аннемари фон Габайн, Карл Ҳайнрих Менгеснинг ворислари улар бошлаган анъанани давом эттиришмоқда.

Немис-ўзбек маданий алоқалари асримизнинг 20-йилларида мустаҳкамланганлиги тарихдан маълум. Ўша йиллари кўпгина ўзбек йигит-қизлари Олмонияга ўқишга боришган, Ўзбекистонда немис тилини ўрганишга иштиёқ кучли бўлган. Аксарият зиёлилар қатори Абдулҳамид Чўлпон ҳам немис тилини ўрганганлиги маълум. Чўлпон буюк немис шоири Ҳайнриҳ Ҳайненинг биринчи таржимони эди. Гарчанд у Ҳайне шеърларини рус тили орқали ўгирган бўлса-да, мутахассислар фикрига қараганда, унинг таржимаси аслиятга анча яқин. Жорий йилда Ҳайнриҳ Ҳайне таваллудининг 200 йиллиги Олмонияда кенг нишонланади. Бизда эса XX асрнинг улуғ шоири Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу бўлажак тантаналарда қандайдир ички боғланиш бордек, назаримда.

Шуни таассуф билан қайд этиш керакки, коммунистик мафкура халқимизни исканжада ушлаб турган йиллар мобайнида икки халқ орасидаги маданий алоқалар кўнгилдагидек равнақ топмади. Эндиликлар» (Висбаден, 1968) китоби ҳамда бир қанча тилшуносликка, этнологияга доир тадқиқотлар муаллифи Карл Ҳайнрих Менгес раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1981-1982 йилларда Венада Австрия Фанлар академиясининг илмий ходими бўлиб ишлаб, «Туркий халқлар топишмоқлари» мавзуида илмий иш олиб боради, Фрайберг университетининг лектори, Бамберг университетининг турк тили, маданияти ва тарихи кафедрасининг илмий ходими бўлиб ишлайди. Бироқ олима ўзи яратган тадқиқотларидан ҳеч қачон қониқиш ҳосил қилган эмас. У немис илмий муҳити ичида яшаб, ўз маслаги ва

ИНГЕБОРГНИНГ

ОРЗУСИ

да ҳар хил асоссиз шубҳа-гумонларга, ҳадиксирашларга нуқта қўйилди. Олмониялик олимлар юртимизга эмин-эркин келиб, эл орасида юриб, тарих, адабиёт, тилшунослик, халқ оғзаки ижоди каби фанларга оид маълумотлар тўплашмоқда, тадқиқот олиб боришмоқда. Олмония туркийшунослари навқирон авлодининг фидойи вакилларидан бири профессор Ингеборг Балдауфдир.

Ингеборг асли австриялик бўлиб, 1956 йили Австриянинг Лилиенфелд қишлоғида таваллуд топган. Ёшлигидан туркий оламга қизиқиши ниҳоятда кучли бўлгани боис, мактабни битиргач, 1974-1980 йилларда Вена Университетида араб ва туркийшунослик бўйича таҳсил олади. Талабалик йиллари Афғонистонга илмий сафарга чиқиб, ўз фаолиятини халқ оғзаки ижодини ўрганишдан бошлайди. У ерда афғон ўзбеклари яшайдиган ҳудудларда бўлиб, «Ўзбек халқ қўшиқлари» мавзуида материал йиғади. Сафар натижаси ўлароқ унинг «Афғонистон ўзбеклари халқ қўшиқлари» номли минг бетдан зиёдроқ икки жилдли китоби дунёга келади. 1980 йили шу мавзу бўйича Берлин туркийшунослик мактабининг асосчиси Вилли Банг Каупнинг шогирди, «Туркий тиллар ва халқ эътиқодидан жуда узоқда бўлган ислом фанлари бўйича мунтазам изланади.

1991-1993 йиллар Ингеборг Балдауф фаолиятида самарали йиллар бўлди. У туркийшунослик йўналишида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Докторлик илмий унвонини олган олима АҚШнинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университетининг Рокфеллер стипендианти бўлишдек бахтга эришди. Бу, бир томондан, олимага жаҳон фани олдида билдирилган катта ишонч бўлса, иккинчи томондан, Ғарбнинг туркий оламни билишга интиқлиги белгиси эди. Ингеборгнинг Америкада амалга оширган асосий ишларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Ойна» журнали матнини қисқартириб инглиз тилига ўгиргани бўлди. Худди шу ерда у Абдулҳамид Чўлпон ижодиёти бўйича инглиз тилида тадқиқотлар олиб борди. Расмий маълумотларга қараганда, айни кунларда Америкада Абдулҳамид Чўлпон ижодига қизиқиш кучли. Чўлпоннинг бир қанча шеърлари инглиз тилига маҳорат билан ўгирилган. Ғарбда ўзбек жадид адабиётини иштиёқ билан ўрганишларининг сабаби шундаки, жадид адабиёти гуллаб-яшнаган замонларда Шарқ эстетик қарашлари билан Ғарб эстетик қарашлари қарийб тенглашган эди. Чўлпоннинг 30-йилларда ёзган адабий-танқидий мақолаларини ўқиб, биз бунга амин бўламиз. Кейинчалик эса адабиёт ўта мафкуралашди, охир-оқибатда Шарқ ва Ғарб эстетик қарашларида тафовут пайдо бўлди.

Мен профессор Ингеборг Балдауф билан Берлин ва Тошкентда бир неча маротаба мулоқотда бўлдим. Суҳбатларимиздан англашимча, Ингеборг Ғарбу Шарқ эстетик қарашларида уйғунликни кўришни орзу қилади. Унинг фикрича, шундагина ўзбек адабиёти жаҳон миқёсига чиқмоғи мумкин. Олиманинг жадид адабиётига бағишланган бир қанча асарлари Олмонияда шуҳрат топди. «Ҳақиқат излаб...» (Жадид ёзувчиларининг ижоди мисолида), А. Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» асари ҳақидаги мақоласи ҳамда шу асар таржимаси, «Беҳбудий Фаластинда» каби илмий асарларида олима ўз маҳоратини яққол намойиш этган.

Бугунги кунда олиманинг туркийшуносликка оид 5 та китоби, 30дан ошиқ илмий-назарий мақолалари, нашрга тайёр турган бир қанча қўлёзмалари мавжуд. Бундан ташқари, у шарқшунослик ва туркийшунослик масалаларига оид бир қанча тўпламларга муҳаррир. Албатта, гап китоб ва мақолаларнинг сонида эмас, гап ҳар бир тадқиқотчининг адабий жамоатчиликка айтадиган гапи борлигидадир. Жадидлар адабиётини ўрганиш билан биргаликда у ҳозирги замон ўзбек шеъриятини ҳам тадқиқ қилмоқда. Имкони бўлди дегунча у ўзбек шоирлари ижодиётини Олмонияда ва бошқа Ғарб мамлакатларида тарғиб этади. Жумладан, у ёш шоир Баҳром Рўзимуҳаммаднинг қирққа яқин шеърларини немис тилига таржима қилиб, нашрга тайёрламоқда. Шуни унутмаслик лозимки, Олмонияда китоб чоп этиш биздагига қараганда бошқачароқ: китоб босилишидан аввал турли анжуманларда муаллиф ижодиёти тарғиб этилади. Б. Рўзимуҳаммаднинг «Давсаман» сарлавҳали шеърини Берлинда ўтказилган сувратлар кўргазмасида Ингеборг немис тилида ўқиганига шахсан ўзим гувоҳ бўлганман. Ўшанда ўзбеклар дунёсига бутун вужуди билан сингиб кетиб шеър ўқиётган бу нозиктаъб дилбар аёлга ҳавасим келган эди. Мазкур шеър Ингеборг Балдауфга бағишлаб ёзилган. Шеър муаллифининг эътироф этишича, шу шеър ёзилишига олиманинг «Девсаман қандай махлуқ ўзи?» деган саволи сабаб бўлган экан. «Жунлари ҳурпайган...» дея бошланувчи шеър ўша саволга жавоб тариқасида битилган. Бу ҳам икки халқ адабиёти тобора яқинлашаётганига бир далилдир.

Кейинги даврларда немис-ўзбек маданий алоқалари солномасида янги саҳифалар пайдо бўлди. Жумладан, республикамизда немис маданияти кунлари ўтказилганлиги, жорий йилда эса йил бўйи Олмонияда Ўзбекистон маданияти кунларини самарали ўтказиш режалаштирилгани, айни кунларда бу шодиёналар давом этаётгани қувончлидир. Эҳтимол бундай қувончли кунларни чўлпонлар, фитратлар орзу қилишгандир. Шукрки, бугун ана шундай асрларга татигулик кунларга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ровияжон АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари номзоди

ЯПОН МАҚОЛЛАРИ

Нуқсон — кўз устида.

* * *

Кучлининг нафаси елканни ўрлатар.

* * *

Бошни буркаб, ортни ёпиб бўлмас.

* * *

Саёқ итта таёқ етар.

* * *

Ёлғондан чиққан ростни кўр.

* * *

Маймуннинг ҳам дарахтдан бир қулаши бор.

* * *

Бугун қила билсанг, эртанг нимаси!

* * *

Оғиз бошқа—қорин бошқа.

* * *

Хаста бой соғ камбағалга ҳавас қилади.

* * *

Баъзан ютқизган ютади.

* * *

Арзон олганинг — бор чақангдан ҳам ажраганинг.

* * *

Эътиборсизлигинг — эҳтиётсизлигинг.

* * *

Эшиттанда жаннат — кўрганда дўзах.

Япон тилидан Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабаси Элёр МАТЧОНОВ таржимаси

Дил изҳори

ОҲУ ЛИҲОСЛИ ПОСБОНЛАР

«Узбекистон адабиёти ва санъати»да чоп этилган «Кечиктирилган муолажа» мақоласини ўқиб, айрим виждонсиз шифокорлардан нафратланиб юрган кезларимда, оқ либосли посбонларга дуч келдим. Ярим кечаси келинимнинг қорнида бирдан кучли оғриқ пайдо бўлди. У борган сари кучайиб борарди. Марҳамат тумани ҳудудида яшасак-да, масофа яқинроқ бўлгани сабабли Булоқбошидаги тиббий санитария-жарроҳлик бўлимига зудлик билан етиб бордик.

Беморни жарроҳ А. Абдукаримов ҳар томонлама текшириб кўрди. Келинимда жуда оғир дард борлигини, бу дардни бир ўзи бартараф эта олмаслигини очиқ айтди ва туман бош жарроҳи Одилжон Мукаррамовни топиб келишимизни таклиф қилди. Эрталаб соат етти яримларда марказий шифохонага борганимда, бахтимга, дўхтир одатдагидек барвақт ишга келиб турган экан. Мен унга шошилиб-шошилиб бор аҳволни, жарроҳ А. Абдукаримов сўзларини уқтирдим ва бизга ёрдам беришини сўрадим...

Одилжон Мукаррамов тезда уст-бошини алмаштириб жарроҳлик хонасига кириб кетди, 3 соат ўтгач, йўлакда иккала жарроҳ пайдо бўлишди. Уларнинг ҳорғин, лекин очиқ чеҳраларини кўриб операция муваффақиятли ўтган бўлса керак, деб кўнглимга ёруғлик тушди.

Операциядан кейинги кунларда ҳам О. Мукаррамов бир неча бор шифохонага келиб беморлардан хабар олиб турди, керакли муолажаларни тайинлади, ниҳоят, келиним соғайиб кетди.

Келинимнинг ҳаётини сақлаб қолган тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали жарроҳ Одилжон Мукаррамовга, Гиппократ ва Ибн Сино қасамёдларига содиқ қолиб, вақтида ўз ҳамкасбини ёрдамга чақирган Абдулҳамид Абдукаримовга оиламиз аъзоларининг миннатдорчилигини билдираман. Умуман, Булоқбоши туман тиббий санитария-жарроҳлик бўлимининг ҳамма ходимларига минг раҳмат! Шундай соф виждонли саломатлик посбонлари бор экан, халқимиз соғлиги ишончли қўлларидадир дегим келади.

Турдихон ҚЎЧҚОРОВА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Абдунаби ҲАЙДАРОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0565. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6